ИШОНЧ

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ! ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 19 апрель 1996 йил, жума • № 31 (278)

1996 йил - АМИР ТЕМУР йили

УНИВЕРСИАДА - 96

18 апрель куни Тошкентда Республика талабаларининг спорт ўйинлари «Универсиада-96»ни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ишида манфаатдор вазирликлар ва идоралар, шу жумладан, халқ таълими, маданият ишлари, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, давлат спорт қўмитаси, ёшлар иттифоқи ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмиталарининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов бошқарди. Республика талабаларининг спорт ўйинлари босқичларини ўтказиш ҳамда «Универсиада-96» финал ўйинларига тайёргарлик кўриш юзасидан «Ўзбекистон» касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятлари Марказий Кенгашининг раиси В.Ф. Бойко ахборот берди. Таъкидлаб ўтилганидек «Универсиада-96» якунловчи мусобақалари 14 майдан 19 майгача Самарқанд шаҳрида буюк бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги шиори остида ўтказилади.

Биринчи «Универсиада» 1994 йили ўтказилган эди. Бу йилги Универсиадага тайёргарлик ишлари янада фаол ва оммавий тус олди. Мусобақаларнинг дастлабки босқичларида Республикамиз олий ўқув юртларидан 60 мингга яқин талаба қатнашди.

Якунловчи мусобақаларда Ўзбекистоннинг барча вилоятларидан 500 дан зиёд спортчи иштирок этади. Улар Самарқанднинг энг яхши ўйингоҳлари ва спорт залларида спортнинг 6 тури бўйича беллашадилар. Ҳозир Самарқандда вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари, вилоят касаба уюшмалари раҳбарлари бошчилигида мусобақаларга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Мажлис ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосарлари Т. Собитов, О. Мухитдинова иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиздан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

1. Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Узбекистон Ёшлар Иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Узбекистон «Бизнесфонд»и бошқаруви, Узбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа таъсисчиларнинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Узбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, узларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқуллансин.

3. Жамғарма ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият юритувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси сифатида юридик шахс ҳуқуқига эга эканлиги инобатга олинсин.

4. Жамғарма Узбекистонда келажаги буюк давлат барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ёшлар қалбида миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умуминсоний қадриятлар заминида соғлом руҳ ҳамда дунёқарашни шакллантиришдек хайрли ишни мақсад қилиб қўйганлиги эътироф этилсин.

Жамғарма қуйидагиларни ўз фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгилагани эътиборга олинсин:

— Ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнат қилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларининг тўла амалга ошира олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш;

— ёшларнинг тарбиясига тааллуқли кенг қамровли ишларни амалга оширишда давлат идоралари, муассасалар, меҳнат жамоалари, илмий, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, жамоат арбоблари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш;

—ёшларга замонавий билим, технологияларни эгаллаш, бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва амалиётини ўзлаштириш, янгича фикрлаш омилларини ҳосил қилишда ёрдам кўрсатиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш.

5. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятида иштирок этиш республика жамоатчилигининг, давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар, жамоат арбоблари, ёшлар мураббийлари, юрт оқсоқолларининг ватанпарварлик бурчи эканлиги таъкидлансин.

6. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, хорижий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очиқ эканлиги эътироф этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳрида жамғарманинг бўлимларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

8. Жамғармани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида у устав доирасидаги фаолияти бўйича солиқлардан 5 йил муддатга озод этилсин.

9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Камолот» жамғармасининг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 17 апрель.

ЭЛ ХИЗМАТИДА



Шуҳратжон Иброҳимов 1980-1983 йилларда Вобкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигига раислик қилганди. У ўша йилларда ташаббускорлиги, жонкуярлиги, эзгу ишларга жон дили билан киришиши туфайли эл ҳурматини қозонган. Хўжалик иқтисоди заифлашиб, кўп соҳаларда ортга кетиш рўй бергач 1994 йил бошида халқ талаб-истагига кўра мазкур хўжаликка яна раис этиб сайланди.

Раис ишни энг аввало хўжалик қолоқлиги сабабларини, халқ талаб-истакларини ўрганишдан, замон талабларига кўра иш юритишдан бошлади. У раисликка келган даврда хўжаликнинг давлатдан 20 миллион сўм атрофида қарзи бўлиб, кўп соҳаларда кўнгилдагидек натижаларга эришилмас, кичик корхоналар фаолияти, қишлоқни саноатлаштириш эътибордан четда эди.

Республикамиз Президенти И.Каримовнинг қишлоқда саноатни ривожлантириш, аҳолининг иш билан таъминланиши масалаларига оид Фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажариш муҳимлигини чуқур англаган шуҳратжон бу соҳада ўтган даврда катта ишларни амалга оширди.

Тез орада жамоа хўжалигида етиштирилган ва аҳолидан олинадиган жунни қайта ишлаб кигиз ва гилам ишлаб чиқарувчи цех иш бошлади. 5-6 йил мобайнида ишламай ётган ғишт заводи ишга туширилди, маҳсулот бера бошлади.

Хўжаликда шоли оқлайдиган цех ишлай бошлади. Маҳаллий хом ашё-қамишдан девор тўсиқлар (ДВП-ДСП) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур цехда кунига 80 квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Кулолчилик цехида эса коса, чойнак-пиёла, эсдалик буюмлари тайёрланмоқда.

Туман марказидан 16 километр узоқликда жойлашган, аҳоли зич яшайдиган Толиқулоқ ва Найман қишлоқларида нон ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. Аҳолига сифатли ва иссиқ нонлар етказиб берилмоқда. Пахта тозалаш цехи, мойжувоз ишлаб турибди.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ

Суратда: Шуҳратжон Иброҳимов.

Муаллиф олган сурат.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Ишонч» газетасининг 1996 йил 9 февраль сонида чоп этилган «Ғаллачилик: имкониятлар катталиги аниқ» сарлавҳали мақола мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, ғаллачиликдаги имкониятлардан вилоят ҳудудида тўлиқ фойдаланилмаётганлиги тўғри ёзилган. 1995 йил ҳосили учун сувли майдонларда иқлим шароитига мос навлар экилмаганлиги, ғаллазорларнинг етарли миқдорда минерал ўғитлар билан озиқлантирилмаганлиги, сувнинг кам бўлишлиги, кўпгина хўжаликларда мелиоратив ҳолати ёмон майдонларда экилганлиги кўзланган ҳосилнинг олинмаслигига сабаб бўлди.

Ўтган йиллардаги хатоларни такрорламаслик учун хўжаликлар серҳосил ва истиқболли навлар билан таъминланди. Бу йил суғориладиган майдонларнинг 138 минг гектарига янги навлар экилди, шунингдек ғалла майдонларига такрорий экинларни экишни кўпайтириш ҳам мўлжалланмоқда.

Хўжаликларда 1996 йилда ғалладан мўл ҳосил олиш мақсадида агротехник тадбирларни вақтида бажариш ва таъминот ишларини яхшилаш борасида зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ғалла майдонлари бир марта минерал ўғитлар билан тўлиқ озиқлантирилди, ғаллазорлар қондириб суғорилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ғаллачиликдаги аҳволни яхшилаш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Р.РАҲМОНОВ.

Етти иқлим нафаси

МДҲ мамлакатларида

Москвада бош вазир В.Черномирдин раҳбарлигида Чеченистон бухронини ҳал этиш бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Чеченистонда олиб борилаётган ишларни маблағ билан таъминлаш ва қилинаётган сарф ҳаражатларни назорат қилиш масаласи кўриб чиқилди. Сўнг музокаралар жараёни ва истиқболи муҳокама этилди.

Хабарларга кўра, Чеченистонда вазият бирмунча яхшиланиб бормоқда.-Республиканинг 95 фоиз ҳудудида тинчлик ўрнатилган. Бироқ шунга қарамай қуролли тўқнашувлар тўхтагани йўқ.Шатой шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида содир бўлган тўқнашув натижасида 26 киши ҳалок бўлган,50 дан ортиқ киши яраланган.

Марокаш Россия билан Чеченистон қаршилик ҳаракати ўртасидаги музокараларда воситачилик қилишга тайёр эканлигини билдирди.Рейтер агентлиги Марокаш ташқи ишлар вазирлигининг баёнотига асосланиб шу хабарни берди. Ўтган сешанба куни Президент Б. Ельцин Россия Федерацияси билан Чеченистон музокараларида воситачилик қилиши мумкин бўлганлар жумласида Марокаш подшоҳи Хасан II нинг номини ҳам киритганди.

***

Россия давлат думаси кўпчилик овоз билан собиқ Озарбайжон Президенти А.Муталибовни Боку ҳокимиятига топширилишига қарши қаратилган резолюция қабул қилди. Россия прокуратураси А. Муталибовни қўлга олиб, собиқ Президентни айбловчи қўшимча маълумотлар сўраб Озарбайжон ҳукуматига мурожаат қилганидан икки кун кейин давлат думаси ушбу резолюцияни қабул қилди.Бокуда А. Муталибовни давлат тўнтариши қилишга уринишда айблашмоқда.

***

«Тинчлик йўлида шерикчилик» дастури бўйича Қирғизистоннинг НАТО билан ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилиш мақсадида АҚШнинг юқори нуфузли ҳарбий делегацияси Бишкекка келди. Ташриф давомида томонлар Қирғизистон армияси бўлинмасининг шу йил ёзда АҚШда ўтказиладиган НАТОнинг кенг кўламли ҳарбий машқларида қатнашишига доир тафсилотларни маслаҳатлашиб олишмоқчи. АҚШ мудофаа вазирлиги халқаро хавфсизлик сиёсати бошқармаси бошлигининг муовини Элизабет Шервуд бошчилигидаги делегация аъзолари Бишкекда Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари саъй-ҳаракатлари билан БМТ байроғи остида ташкил этилаётган тинчликни ўрнатувчи батальонга кирувчи қирғиз взводи зобит ва аскарлари билан учрашадилар. Маълумки, бундай батальонни тузиш ҳақидаги қарор ўтган йил охирларида Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Алматидаги учрашувида қабул қилинганди.

ХОРИЖДА

Жаҳоннинг кучли еттилигига кирувчи мамлакатлар раҳбарлари ядро синовлари ўтказилиши батамом тўхтатилишига қўшилишни Россиядан талаб қилишмоқчи. Франция ҳукуматининг расмий вакиласи Катрин Каланна шундай баёнот берган. Унинг айтишича, АҚШ, Франция ва Буюк Британия ҳар қандай ядро синовларини тўлиқ ман этиш таклифини қатъий қўллаб-қувватлайдилар.

Бугун Москвада ўз ишини бошлайдиган ядро хавфсизлиги масалалари бўйича олий даражадаги учрашув кун тартибига ядро синовларини батамом ман этиш ҳақидаги масала ҳам киритилади.

***

Қоҳирада Ливанда давом этаётган Исроил ҳарбий харакатлари муҳокамасига бағишланган араб мамлакатлари лигасининг фавқулодда мажлиси давом этмоқда. Ливаннинг илтимоси билан чақирилган ушбу мажлисда 10 мамлакат ташқи ишлар вазирлари ҳамда қолган 12 аъзо мамлакат ташқи сиёсат идораларининг юқори лавозимли вакиллари қатнашишмоқда. Улар жанубий Ливандаги аҳвол ҳақида ахборотни тинглаб, Ливан ташқи ишлар вазирининг БМТнинг 425-сонли резолюциясини тўхтовсиз амалга ошириш ҳақидаги таклифини муҳокама этадилар. Ушбу резолюция Исроил қўшинларини жанубий Ливандан олиб чиқишни назарда тутади.

***

Иордан ғарбий қирғоғи ҳамда Ғазо сектори статусини аниқлаш бўйича Исроил билан Фаластин Озодлик ташкилоти ўртасидаги музокаралар шу йил 4 майда қайтадан тикланади. Бош вазир Ш.Перес чоршанба куни шундай баёнот берган. Бош вазир, музокаралар вақти Исроилда сайловолди компанияси билан бир вақтга тўғри келишига қарамай, ушбу музокаралар албатта ўтказилишига ваъда берган.

Куни кеча Исроил билан Ғазо сектори чегарасида бош вазир Ш.Перес билан Фаластин раҳбари Я.Арофат шу йил февраль ойида боши берк кўчага кириб қолган сулҳпарвар музокараларни қайта жонлантиришга уриниб кўрдилар. Фаластин террорчилари Исроилда кетма-кет уюштирган фожеали портлашлардан кейин бу уларнинг дастлабки учрашувидир.

***

Афтидан, Россия НАТО тўғрисида нотўғри тасаввурга эгадир, деб баёнот берди НАТО бош котиби Х.Солана. НАТО совуқ уруш йилларидаги ташкилот эмас ва у Россияни четлатиб қўйишга уринмайди, деди Шимолий Атлантика альянси раҳбари. Х.Солана чоршанба куни Польшага келди. Бу ерда у мамлакат Президенти А. Квасневский билан ҳамда мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари билан музокаралар олиб борди. НАТО бош котибининг сафар дастурида Шарқий ва Марказий Европанинг 12 мамлакатида бўлиш кўзда тутилган.

***

Бангладешда етакчи ва қудратли «Авоми» халқ лигаси олий мартабали давлат хизматчилари орасида тозалаш ўтказиш шиори билан чиқди. Лига вакиллари собиқ ҳукумат томонидан турли лавозимга тайинланган амалдорларни янги сайловлар бошланинишидан олдин бўшатиб юборишни талаб қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, коррупцияга дучор бўлган бу амалдорлар сайловларнинг эркин ва адолатли ўтишига халақит беради.

Янгилик

«ЧЕЙЗ МАНХЕТТЕН БАНК» ЎЗБЕКИСТОНДА ИШ БОШЛАДИ

Узбекистонда халқаро ташкилотлар, хорижий фирмалар ва банкларнинг ваколатхоналари бирин-кетин очилиб, фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Тошкентда АҚШнинг энг йирик банкларидан бири — «Чейз Манхеттен банк» ваколатхонаси очилди.

Узбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида имзоланган битимга биноан ана шундай аҳдлашувга эришилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Чейз Манхеттен банк» Америка банклари орасида биринчи бўлиб Узбекистон бозорига кириб келди.

Шу муносабат билан «Чейз Манхеттен банк» катта вице-президенти жаноб Чарлз Бауччо бошчилигидаги делегация республикамизга ташриф буюрди. Делегация ваколатхонанинг очилиш маросимида қатнашди.

Узбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг раиси Ф.Муллажонов америкалик меҳмонларни табриклаб, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик борган сайин кенгайиб ва чуқур илдиз отиб бораверади, деб ишонч билдирди.

Истиқболда Америка банкининг турли хил молиявий лойиҳаларни амалга оширишда, масалан, пахта толасини қайта ишлаш, янги транспорт йўлларини қуриш, Америка фирмаларида тайёрланган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва самолётларини сотиб олиш, Узбекистон автотранспортнинг суюлтирилган табиий газга ўтказишда фаол иштирок этиши назарда тутилган.

«Чейз Манхеттен банк» Оврупо қайта тиклаш ва ривожланиш банки ва бошқа бир қатор хорижий банклар билан биргаликда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасини барпо этишда молиявий ёрдам кўрсатганлиги кўпларга яхши маълум.

Америка делегацияси бошлигига Узбекистон Республикасида Америка банкининг биринчи ваколатхонаси очилиши муносабати билан сертификат топширилди. Меҳмонлар хорижий сармояларни жалб этиш борасида республикага ёрдам бериш, Узбекистоннинг бутун молиявий тизимини ривожлантириш йўлида катта ишлар қилиниши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Темур ТУРСУНОВ.

Ислоҳот қирралари

ДЕҲҚОН ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

Ислоҳотни ҳар ким ўзича тушунади. Лекин унинг ўзига хос хусусиятлари, қонун-қоидалари мавжуд. «Ал-Хоразмий-Вамбери» халқаро илмий жамият президенти Б. Ҳасанов қаерга бормасин, одамларни саволга тутгани-тутган: «Ислоҳотни қандай ўтказяпсиз?» Ислоҳот бошқаруви мавжудми?», «Натижаларни таҳлил қилувчи бирор хизмат борми?», «Қандай ютуқларга эришдингиз, қанақа қийинчиликларга дуч келяпсиз?». Хуллас, Баҳодирнинг саволлари тугамайди.

Вилоятда иқтисодий ислоҳот ўтказишни таҳлил этиб, оддий меҳнат аҳли билан, турли тоифа раҳбарлар билан мулоқотда уларнинг бу муҳим тадбирга лоқайдлик билан қараётганлигини, кўнглидаги гапларни айтишдан чўчиётганлигини кўриб ҳайратга тушасиз.

Бундай бепарволикнинг узаги қаерда, деб ўйланиб қоласан, киши. Ахир, ҳуррам замонимиз сўз эркинлиги, меҳнатда ташаббускорлик, яхши ниятларни рўёбга чиқариш учун катта имкониятларни яратиб қўйган бўлса. Бизга бундан ортиқ яна нима керак? Аввалги «гуноҳ»ларимиз, одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга тўраларча муносабат, ечими топилмаган муаммолар жамиятнинг олға босиши учун кишан бўлмаяптимикин?

Ислоҳотдек катта ишга қўл урилгандан кейин ҳар ким ҳам бу масалаларни билиб қўйгани маъқул. Айниқса, деҳқонлардан кўп нарса кутилмоқда. Сабаби — вилоят иқтисодида тарозининг босиб кетадиган палласи қишлоқ хўжалигининг чекига тушган. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, хоразмлик миришкорларнинг пахтачиликда ҳам, деҳқончиликнинг бошқа соҳаларида ҳам барча ишларидан ибрат олса арзигулик:

Вилоят агросаноат уюшмаси раиси Рустам Қутлимуродовнинг фикрича, бу ютуқларнинг калити мулкни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қишлоқда олиб борилаётган ўзгаришлардадир. Ҳозир рентабеллиги паст хўжалик ва корхоналар негизида 115 ҳиссадорлик жамияти, 878 деҳқон хўжалиги тузилган бўлиб, уларнинг 663 таси чорвачилик билан шуғулланади. Ижарачилик меҳнати кучаймоқда. Деҳқончиликдан бўшаган меҳнатчилар қишлоққа бунёд этилаётган саноатда — тикувчилик, тўқувчилик цехлари, консерва заводлари, агросаноат корхоналарининг турли филиалларида ишга киряптилар.

Янги мулкчилик деҳқонлар ҳаётини жонлантириб юборди, ўзларини ернинг ҳақиқий эгалари деб билганлари учун уларнинг ишга муносабатлари тубдан ўзгарди.

Етмишинчи йиллари Хонқа районида шоличиликда ишни ижара асосида ташкил этгани учун юқори ҳосилдорликка эришган эди. Сир эмас, ўша пайтларда меҳнатни бу тарзда ташкил этиш ижарачилик деб аталмасди. Чунки хўжалик юритишнинг ўша давр мезонига мос келмас эди-да. Ўз меҳнати натижасидан деҳқон манфаатдорлигини ошириш мақсадида етиштирилган ҳосилнинг бир қисми, хўжалик билан ижарачи орасида тузилган шартномага асосан, унга бериларди. Аста-секин ижара полиз, сабзавот, маккажўхори етиштириш, сўнгра эса пахтачиликда ҳам жорий этила бошланди. Шунинг учун хонқаликлар барча соҳада пешқадам, ғолиб.

Вилоятнинг қишлоқ хўжалигида ижара пудратини кенг жорий этган меҳнатчилари ўтган йил давлат буюртмасини бажариб, тайёрлов идораларига қўшимча равишда 131 минг тонна пахта элтиб бердилар. Хўжаликлар ихтиёрида қоладиган бу ҳосил қўшимча толагина эмас, балки у деҳқонларга арзон нархда сотиладиган ёғ-мой, кунжара, чигит пўчоғи ва ҳакозолардир. Шоли, маккажўхори, кузги буғдой, полиз, сабзавот ва бошқа экинлардан ҳам эртаки ва мўл ҳосил олинди.

Шак-шубҳа йўқ. Хоразмликларнинг машаққатли меҳнат билан қозонган ғалабасига офаринлар ўқиймиз.

* * *

Аммо яхшисини кўриб олқишлаб, камчиликларини сезмай хаспўшлаш адолатдан эмас. Ўтган пахта мавсумида машҳур «зангори кема»лар далаларга чиқмади. Пахтазорларда хотин-қизларнинг ранг-баранг рўмоллари ҳамма вақт ҳилпираб турди, яъни ҳосил асосан қўлда йиғиб-териб олинди.

Хўжалик раҳбарларининг ҳикоя қилишларича, қишлоқларда иш излаган бекорчилар беҳисоб экани, одамларнинг меҳнат билан пул ишлаб олиши учун имконият бермоқ лозим эмиш. Бундан ташқари қўл билан терилган пахта сифати аъло бўларкан. Бу — мўмайпул, нақд даромад деганидир. Яна бир нарсани назарда тутмоқ зарурки, ижарага олинган мўъжазгина пайкалда қимматбаҳо пахта териш машинасини ишлатиш фойда келтирмайди. Ёқилғи-мойларнинг нархи осмонда бўлса. Техника учун эҳтиёт қисмлар йўқ. Механизаторлар етишмайди. Малакали мутахассислар ўзларини тижоратга урган. Хуллас, деҳқон юрагида тўпланиб қолган дард ҳам, арз ҳам кўп.

Ислоҳот ўзининг илк одимларида инсонларни оғир синовлардан ўтказяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган сарф-ҳаражатнинг бир тийинини ҳам ҳисоб-китоб қилишга даъват этаётгани яхши-кую, аммо машаққатли қўл меҳнатига қайтилаётганига нима дейсиз?

Ижтимоий ҳамда илмий-техника тараққиёти истиқболи нима бўлади?

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов уқтириб ўтгани каби «саноатни қишлоқ жойларига олиб бориш, уни кенг ривожлантириш, янги кичик ва ўрта корхоналарни қуриш ва қўшимча иш жойларини яратиш билан чекка жойларда яшаётган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш керак».

Ҳазораспликлар айнан шу ҳақда бош қотириб, ушбу долзарб муаммо ечимини излашяпти. Бинокорларнинг машаққатли меҳнати, етакчилар ҳаракати-ю, кўпчиликнинг «ҳа бўл», «ҳа бўл» билан йигирув-тўқув фабрикаси қад кўтарди-ю, 200 киши иш билан таъминланди. Бу илк қутлуғ одим эди.

Иккинчи қадам шундан иборат бўлдики, мулкдор сифатида ижарачи манфаатига путур етказмаган ҳолда қариндош-уруғчилик, ҳудудий, иқтисодий, маънавий афзалликларни кўзлаб, 8 оила ихтиёрий бир тугал бригада бўлиб туғилиши табиий. Ижарачи оиласига қоидага кўра 5 гектар атрофида суғориладиган ер берилади. Мутахассисларнинг хомчўтларига мувофиқ 40 гектар ерга ишлов бериш учун ўзаро пул тўплаб, керакли қишлоқ хўжалик техникасини харид этиш ва уни унумли ишлатиш мумкин. Ишга ёндошиш ижарачига ҳам фойдали эканлигини тажриба кўрсатди.

* * *

Янгиликнинг қаноти бўлади, дейишади. Зеро, бу ибратли иш бошқа жойларга ҳам ёйилса ажаб эмас.

Илғор тажрибанинг яна бир манзили — Р. Мадаминов номидаги донгдор жамоа хўжалигидир. Деҳқонлар меҳнатга, она ерга, оиласига меҳр-муҳаббати билан эл орасида обрў-эътибор топишган. Ўз ишининг устаси, билимдони, қишлоқ хўжалигининг моҳир ташкилотчиси, бир сўзли, бағри кенг инсон Рустам ака деярлик йигирма йил жамоага раислик қилди. У одамлар дарди-аламини яхши тушунар, оғирини енгил этиш ташвиши билан яшар эди. Халқнинг унга эргашганига сабаб ҳам раҳбарнинг яхши хислатлари бўлса керак.

Раис ҳар тарафлама олим одам эди. Иқтисод фанлари номзоди. Ҳамиша илм-фан ютуқларини жорий этишга уринар эди. Консерва заводи қургани ўз йўлига. Аммо бинокорлик ашёлари тайёрлаш ва яна кўп нарсалар учун замин яратганини айтмайсизми?! Кўпчиликнинг мушкули осон бўлганига нима етсин!

От ўрнини той босар, дейишади. Ҳозир хўжаликни Рустам аканинг ўғли бошқаряпти. Матёқуб ота изидан бориб, пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, хуллас, барча соҳани ривожлантириш билан бир қаторда ип йигирув, тўқув ва тикув корхоналарини очди. Балиқ дудлашни ташкил этди.

Янги раис жамоа аъзоларининг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор беряпти. Кўп болали оилалар учун имтиёз бериб, турар-жойлар қуриш, камдаромад оладиганларига моддий ёрдам кўрсатиш, одамларни соғломлаштириш, маданий ҳордиғини уюштириш ниятида катта маблағлар сарф қилинмоқда.

Хуллас, ёш раҳбарнинг одимлари қутлуғ кўринади. Одамлар хурсанд, унга эргашмоқдалар.

***

Ҳар гулнинг ҳиди ўзгача бўлгани каби Хонқа пахта тозалаш корхонасида бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Завод раҳбари Ислом БОБОЖОНОВ ҳикоя қилади:

— Пахта майдонларининг кескин камайиши бошқа корхоналар билан ҳамкорликка, интеграция ришталарини ўрнатишга ундади. Аввалари 90 минг тоннага қадар пахтани тозалаган бўлсак, ҳозир у уч баравар камайган. Малакали мутахассисларни бўшатиб юбормасдан уларга иш топиб бериш керак эди. Буни қарангки, ҳаммамиз бир жон, бир тан бўлиб ип йигирув корхонаси қурдик. Адашмаган эканмиз. Йигирган ипларни тўқимачилик корхоналарига сотиб, иқтисодимизни тиклаб олдик. Ижтимоий муаммоларни ҳам ҳал қилдик. Пахта толаси билан йигирилган ип нархлари орасидаги фарқ анча катта. Ип толадан қиммат. Демак, бу соҳани кенгайтириш учун ҳар қанча маблағ сарфлаш мумкин. Шу мақсадларни кўзлаб Иваново вилоятининг Шуя-Тезин йигирув фабрикаси билан биргаликда Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси барпо этганимиздан сўнг одамларнинг меҳнат қилишлари учун имконият кўпайди. Маош ҳам мўмайгина.

Собиқ Иттифоқдаги шериклар билан хўжалик ришталарининг узилиб кетиши, банкдан катта ҳақ тўлаш эвазига олинган қарз кўп раҳбарларни мушкул аҳволга солиб қўйди. Улар орасида ўзини йўқотиб қўйганлар ҳам йўқ эмас. Бир қанча корхоналар инқироз қирғоғига бориб қолди. Бундай оғир аҳволдан жамоани ким олиб чиқади? Фақат етти ўлчаб бир кесадиган, уддабурро, кўпни кўрган, кўпни таниган раҳбар бунга қодирдир.

Хуллас, ҳар соҳанинг ўз усталари бор. Ўзбекистонда, жумладан Хоразм воҳасида корхоналарнинг тажрибали бошлиқлари, саркорлик санъатининг даргалари кўп. Улар тажрибасини ёшларга ўргатиш фойдадан ҳоли эмас. Янги раҳбарларнинг ўзлари ҳам бунга эҳтиёж сезмоқлари керак.

Вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидланганидек, аҳолини иш билан банд этиш энг муҳим масала бўлиб турибди. Нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида янги иш жойлари очиш нақадар муҳим ва иқтисодий жиҳатдан афзаллиги барчага аёндир.

Касаба уюшмаларининг ташаббуси билан ушбу масала минтақавий йиғилиш кун тартибига киритилган эди. Корхона раҳбарлари, маҳаллий амалдорлар шаънига иш жойларини кўпайтиришга етарли эътибор бермаётганликлари учун аччиқ-аччиқ фикрлар айтилиб, бу ишни кучайтириш юзасидан тадбирлар белгиланган эди. Халқ хўжалиги иқтисодини бозор муносабатларига ўтказиш дастурида ҳам мазкур муаммога катта ўрин берилган. Хўш, дастурни ҳаётга тадбиқ этиш учун қандай амалий ишлар қилинди? Ўзини Аҳат, деб таништирган етти мучаси соппа-соғ инсондан сўраб кўринг: шаҳар кўчаларида ширакайф ҳолда санқ юришининг сабаби нима-да? Ишсизликдан, меҳнат қилиш учун бирорта жой тополмай, ўзини қаерга уришни билмай қолганлигимдан, деб жавоб беради. Ўзи юқори малакали бинокор бўлсаю бекор юрса... Кун кечирмоқ учун нима қилмоқ керак? У боши берк кўчага кириб қолган. Унинг ҳамтовоғи, малакали механизатор Ренат ҳам шу куйга тушган.

Ҳеч ким варақлаб ҳам қўймайдиган кўп жилдли, қимматга тушадиган дастурлар нечун яратилади? Одамларни толиқтириб мажлислар ўтказиб, ҳеч ким ижро этмайдиган қарорлар қабул этишдан кутилган мақсад нима? Ўз меҳнати, ўз ҳунарини ишга солиб, оиласини боқиш ғамида юрган заҳматкаш инсон четда қолиб кетса, шунча дабдабанинг кераги бўлмай қолади-ку!

(Давоми бор)

И. МУНАЕВ.

Акс садо!

МУСТАҚИЛЛИК НАШИДАСИ

Мустақиллик нашидасини сураётган Ўзбекистонликлар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет эл ҳамда республикамиз журналистлари билан навбатдаги анъанавий учрашувида сўзлаган нутқидаги ғояларни бажонидил кутиб олдилар. Мустақилликни ўз бисотидаги нодир мулк деб билаётган халқимиз эркин ва мустақил яшашни абадулабад танлаб олганлигини изҳор этмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон ўзи танлаган истиқлол йўлидан оғишмай, далил бораверади, айни пайтда давлатимиз дунё мамлакатлари билан ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантириб бораверади,-деб айтган сўзларини халқимиз ўз номидан айтилган сўзлар деб билмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда жўшқин олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига кириб бораётганлиги мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамламоқда. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар, дунё ишлари ва жаҳон сиёсатида фаол иштирок этаётганлиги эса давлатимизнинг нуфузи ва дунёга бўлган таъсирини кучайтирмоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жуда катта обрўга эга бўлган кўпгина халқаро минтақавий ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотида, ўз ўрни, ўз овози бор. Мустақил давлатимиз раҳбарининг чет эл мамлакатларига қилаётган расмий сафарлари эса сиёсий ҳаётимизнинг катта воқеалари бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик меваларидир.

Ҳудди шу сабабли эркин сиёсий ва иқтисодий ривожланишимизга рахна соладиган, миллий давлатчилигимиз устига қурилмоқчи бўлган ҳар қандай иттифоқ, ҳамжамият ва турли туман интеграцияларга халқимиз қатъиян қарши чиқмоқда. Собиқ СССРни қўмсаётганларга, тарих ғилдирагини орқага буришга интилаётганларга ўзининг рад жавобини бермоқда. Халқимиз мустақилликни асрлар бўйи кутди. Энди уни қўлга киритгач, мустақилликни кўз қорачиғидай авайламоқда. Чунки мустақилликгина халқларга бахт-саодат, ёруғ кунлар келтиради. Ана шу сабабли Россия парламенти қуйи палатаси-Давлат Думасининг Беловеж қарорларини бекор қилиш тўғрисида чиқарган қарори собиқ СССРни қўмсаш, «Қизил империя»ни қайтадан тиклашга қаратилган хатарли қадам деб кескин қораланмоқда.

Республикамизнинг ҳамма жойларида бир овоздан энди орқага қайтиш йўқ, ҳеч ким ҳеч қаерда ва ҳеч қандай сиёсий найрангбозликлар билан, дўқ-пўписалар билан Ўзбекистонимизни мустақиллик йўлидан асло тойдира олмайди деган фикр билдирилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, Россия Давлат Думасининг 15 мартдаги қарори фақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидагина эмас, балки чет элларда ҳам ғоят калтис ва хатарли қадамлар, деб баҳоланмоқда. «Давлат Думасининг қарори,-деб ёзади Канаданинг «Ситизен» газетаси,-ҳеч қаерга олиб бормайди, аксинча, у боши берк кўчага элтади. «Торонто стар» газетаси эса Давлат Думасининг ушбу қарорини ҳеч қандай маънога эга бўлмаган қуруқ декларация,-деб баҳолаб, ушбу ҳужжат сиёсий мақсадлар учун қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтади.

Мустақиллигимизнинг асрларга татигувчи йиллари ўтмоқда. Мана бешинчи йилдирки, халқимиз мустақиллик осмони остида яшамоқда. Эркин ҳаёт қуриш йўлида фидоийлик кўрсатиш унинг турмуш тарзига айланмоқда.

Талъат СОЛИЕВ.

Касаба уюшма ҳаёти

КУН ТАРТИБИДА: ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашида тармоқ касаба уюшма шаҳар қўмиталари раислари ҳамда молия бўлим мудирлари иштирокида раёсат мажлиси бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси О.Сафоев қисқача кириш сўзи билан очиб, раёсат кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати корхоналари, муассасалари, ташкилотлари маъмурияти ва касаба уюшма қўмиталарининг жамоа шартномаларини тузиш ҳамда бажариш борасидаги иш тажрибаси, 1995 йилда касаба уюшма ва давлат ижтимоий сугурта бюджети ижросининг якунлари, 1996 йилнинг 2-чорагига санаторий ва дам олиш уйларига бериладиган йўлланмаларни тақсимлаш режаси тўғрисидаги масалалар таҳлил этилди. Шунингдек, раёсат йигилишида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Раёсат йигилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ТАДБИРКОР ДАРОМАД ТОПАДИ

Касаба уюшмалари қошида очилган кичик корхоналар қандай фаолият кўрсатаётир? Оромгоҳларга ажратилган ер майдонларидан қай даражада фойдаланилмоқда?

Ана шу муҳим масала Самарқанд вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раёсатининг яқинда ўтказилган мажлисида кўриб чиқилди. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш борасида Каттақўрғон, Иштихон туманларидаги А.Муминов ва Қаршиев номли болалар оромгоҳлари, вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси қошидаги кичик корхона-масъулияти чекланган «Эркин ҳаёт» жамияти самарали ишларни амалга ошираётганликлари ибрат қилиб кўрсатилди. Баъзи бир туманлардаги болалар оромгоҳларига қарашли ҳайдаладиган ерлардан ҳамда боғроғлардан жуда кам фойда кўрилаётганлиги, бинобарин, ердамчи хўжаликлар ишини кескин даражада яхшилаш зарурлигига раёсат мажлиси қатнашчиларининг диққат-эътибори қаратилди, қимматли таклифлар ўртага қўйилди.

А.МУРТАЗОЕВ.

ЎЗАРО МУЛОҚОТ ШАКЛИДА

Давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитасида семинар-кенгаш ўтказилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳуқуқий бўлими мудирининг ўринбосари Н.Ефимова Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, унинг боблари юзасидан кенг тушунтириш берди. Давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бош техник нозири Т.Собиров, молия бўлимининг мудири Г.Хегай нутқини йигилиш қатнашчилари қизиқиш билан тингладилар. Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашлар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўлимининг мудири М.Ниёзова ижтимоий сугурта, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлимининг мудири К.Шукуровнинг жамоа шартномалари ҳақида вилоят касаба уюшмалари ҳаётидан мисоллар билан таҳлилий чиқишлари эътибор билан эшитилди.

Семинар-кенгаш ўзаро мулоқот шаклида ўтиб, мутахассислар жуда кўп саволларга жавоб бердилар.

Б.ПЎЛАТОВ.

СПОРТЧИ ЁШЛАРГА СУЯНАМИЗ

Ховос туманидаги «Фарҳод» ширкатлар уюшмасида кейинги пайтда ёшларнинг соғлом камол топишига, спорт мусобақаларига эътибор кучайтирилмоқда.

- Спортнинг футбол тури бўйича анча-мунча муваффақиятларга эришдик, - дейди хўжалик касаба уюшмаси раиси Жуман Ҳакимов. - Ўтган йили туманда биринчи ўринни олган футбол командамиз вилоят биринчилигида имтиёзли ўринни эгаллади.

Ўтган йили туман касаба уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган спорт мусобақаларида «Фарҳод» ширкатлар уюшмаси ёшлари иккинчи ўринни олишди. Навруз байрами муносабати билан уюштирилган кураш ва улоқ мусобақаларида ҳам кўнгилли натижаларга эришилди. Энг муҳими, хўжаликдаги отларни ёшларнинг ўзи боқиб, спорт мусобақаларида қатнашишди.

Н.ҚОСИМОВА, «Ишонч» мухбири

РАҚОБАТ — КУРАШ ДЕМАКДИР

Маъмурий хўжалик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан жамиятимизда янги иқтисодий қонунлар, тамойил ва тушунчалар амал қилмоқда. Шуни айтиш зарурки, иқтисодий, сиёсий, психологик шароитлар ўзгарса-да, мавжуд иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар шаклан сақланиб, улар янги мазмун касб этади. Бунга мисол қилиб жамиятдаги манфаатлар тизими билан рақобат курашини олишимиз мумкин. Собиқ Совет тузуми даврида ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик ҳукмрон бўлиб, жамиятда ижтимоий манфаатлар юқори ўринни эгаллаб келган. Лекин тараққиётнинг ҳозирги босқичида бундай бўлиши мумкин эмас. Собиқ тузумнинг асосий иллати шундаки, у етмиш йил давомида хусусий мулкчиликни инкор этиб келди. Очигини айтганда, кўпчилигимиз тилда ижтимоий манфаатни юқори қўйиб, амалда шахсий манфаатлар тўғрисида ўйлаганмиз.

Авваломбор, манфаатларнинг ўзи нима, деган саволни кўриб чиқайлик. Инсон яшаши учун турли моддий неъматларга, маънавий-маиший хизматларга эҳтиёж сезади. Бу мутлақо табиийдир. Кишиларнинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун интилиши табиий заруратдан келиб чиқади. Шундай қилиб, манфаатлар ўз характерига, вазифасига қараб ҳар хил шаклларда намоён бўлади. Масалан, ижтимоий ва шахсий, моддий ва маънавий, жорий ва узоқ муддатли, миллий ва мантақавий, иш берувчи ва ишчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи манфаатлари мавжуд. Бу ҳақда гап кетганда бир нарсани ҳар доим ёдимизда тутишимиш керак: яъни иқтисодий муносабатлар шароитида ҳар бир инсон, у ишлаб чиқарувчими ёки истеъмолчими, тадбиркорми ёки колхозчими, кимлигидан қатъий назар, ҳамиша ўзининг моддий ёки маънавий манфаатини қондиришга ҳаракат қилади. Манфаатлар турлича шаклларда намоён бўлиб, уларнинг нисбатлари бир даражада тўхтаб қолмайди. Ижтимоий шароитлар ўзгариши билан манфаатлар ҳам моҳиятан янгиланиб бораверади. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Айтайлик, бозор товарлар ва хизматлар билан тўлиб бориши, халқ фаровонлиги ошиши билан моддий манфаатларга нисбатан маънавий манфаатларга талаб кучайиши тажрибадан маълум. Миқдор ва сифат ўзгариши билан, юқорида айтганимиздек, кишилар шахсий манфаатларини нисбатан ижтимоий ёки жорий, шунингдек узоқ муддатли пировард манфаатларини устун қўйишлари ҳам мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида реализация жараёнининг энг муҳим масалаларидан бири бу турли манфаатларни бир-бирига мослаштиришдир. Маълумки, моддий ва маънавий манфаатлар тўқнашган жойда рақобат вужудга келади. Иқтисодий манбаларда рақобат курашига қисқача таъриф берилган. Яъни рақобат бу, иқтисодий ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари-ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар, ёлланма ишчилар ва ҳоказолар ўртасида қулайроқ ишлаб чиқариш шароитига, арзон заҳиралар ва ишчи кучига эга бўлиш, унумлироқ технология, иш жойи, яқин бозорни ўзлаштириш, умуман, юқори даромад олиш имконияти учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бу тармоқлар ва тармоқлараро вертикал ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган таърифдир. Бозор иқтисодиёти шароитида горизонтал-мантақавий ҳўжалик юритиш субъектлари ҳам мавжуд. Бундай субъектлар (корхона, маҳалла, туман, шаҳар, вилоят, автоном республика) шароитида манфаатларнинг намоён бўлиш шакли бошқача бўлиши мумкин. Масалан, ҳўжалик юритувчи субъект шаклида Тошкент билан Чирчиқ шаҳрини олайлик. Бу икки шаҳар ўртасида рақобат кураши қандай ҳолда вужудга келиши мумкин? Айтайлик, иқтисодий алоқалар туфайли бир шаҳар аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тез яхшиланиши ёки баъзи бир сабабларга кўра бир шаҳардаги яхши мутахассислар, ишчи кучлари иккинчи шаҳарга кўчиб кетишлари мумин. Бир шаҳарда саноат ривожланиши натижасида экологик шароитнинг ёмонлашуви ҳам иккинчи шаҳарга ўз таъсирини курсатиб, аҳоли кучишини кучайтиради. Хуллас, минтақавий манфаатлар шакли ранг-баранг бўлиши шундандир.

Бозор иқтисодиётининг илк белгилари пайдо бўлиши билан энг юқори фойда олиш учун бориладиган курашдир. Капиталнинг хусусияти шуки, у доимо ҳаракатда бўлиб, ўз соҳибига фойда келтириб туриши керак. Шунинг учун сармоядорлар маблағини манфаатлироқ соҳаларга сарфлашга ҳаракат қиладилар. Улар учун нимани бозор кутарса, шуни ишлаб чиқариш, кўпроқ фойда олиш муҳимдир. Тармоқ ичидаги кураш пировард натижада ишлаб чиқаришнинг узвий тузилишини ўсишга олиб келса, тармоқлараро рақобат ўртача фойда нормасини энг юқори фойда олиш учун курашдир. Капиталнинг хусусияти шуки, у доимо ҳаракатда бўлиб, ўз соҳибига фойда келтириб туриши керак. Шунинг учун сармоядорлар маблағини манфаатлироқ соҳаларга сарфлашга ҳаракат қиладилар. Улар учун нимани бозор кутарса, шуни ишлаб чиқариш, кўпроқ фойда олиш муҳимдир. Тармоқ ичидаги кураш пировард натижада ишлаб чиқаришнинг узвий тузилишини ўсишга олиб келса, тармоқлараро рақобат ўртача фойда нормасининг пайдо бўлишини таъминлайди.

Жамиятда монополиялар ҳукмронлиги шароитида рақобатнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1). бир тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат;

2). турли тармоқ монополиялари ўртасидаги рақобат;

3). турли мамлакатлар ўртасидаги рақобат;

4). монополиялар билан унга бирлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат.

Буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга, белгиларга эга. Рақобатнинг икки усули бор: нарх воситалари билан рақобатлашув, нархдан фойдаланмай рақобатлашув. Реал ҳаётда бозор тизими турлича бўлиб, у рақобатга таъсир кўрсатади. Ўз навбатида бозор тизимлари мукаммал ва номукаммал кўринишларга эга бўлиши мумкин. Шунга қараб рақобат ҳам фарқланади. Дунё тажрибасида бу борада ўрганадиган жиҳатлар кўп. Тадбиркор ва ишбилармонлар ўз манфаатларини моддий, маънавий, сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилиш, рақобат курашида енгиб чиқиш учун турли ижтимоий ташкилотлар, партиялар, иттифоқлар, ассоциациялар, бирлашмалар ташкил этишади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мулк эгалари ва хўжалик юритувчи субъектлар мутлақо мустақилдир. Бундай ҳолда ижтимоий ташкилотлар, биринчи навбатда касаба уюшмаларининг роли ошиши ўз-ўзидан маълум. Чунки тармоқ ва минтақалар бўйича хўжалик юритувчи тадбиркорлар ўз мустақиллигидан фойдаланиб, айрим шахсларни, гуруҳларни, касб эгаларини қийин аҳволга тушириб қўйишлари мумкин. Шунинг учун хусусий мулкчилик шароитида мулкдорларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш биринчи галдаги вазифалардан бўлиши лозим.

Республикамиз бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичига қадам қўйди. Ҳамма соҳада ислоҳотлар чуқурлашиб бораяпти. Ривожланган шаклдаги, қонун-қоидаларга асосланган маданиятли рақобат кураши учун қанчалик қулай шароит яратилса, жамият тараққиёти шунчалик жадаллашади.

Тоғаймурод ЖУМАҚУЛОВ, Тошкент Давлат иқтисод университети профессори, иқтисод фанлари доктори



«ЧОРВАДОР»НИНГ УЛУШИ

Фарғона туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалигининг 13-бригадаси аъзолари тошлоқ ерларда деҳқончилик қилиб келишади. Бригадага тажрибали деҳқон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Баракабой ота Пўлатов 45 йилдан буён раҳбарлик қилади. Тошлоқ, адир ерларда деҳқончилик қилишнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Баракабой ота узоқ йиллик деҳқончилик тажрибасига, кишилар қалбига йўл топа билиш истеъдодига эга инсон сифатида иш юритади. У кишининг деҳқончилик борасидаги шогирдлари жуда кўп.

Айни кунларда улардан ўндан зиёди бригада етакчиси бўлиб ишлашаётир. Тажрибали деҳқон бошлиқ жамоа бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан ғалла, 35 центнердан пахта етиштириш ниятида. Айни кунларда бригадада кўкламги дала ишлари юксак уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Суратда: бригада бошлиғи Баракабой ота Пўлатов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ИНСОННИ АСРАНГ, ДЎСТЛАР

техника хавфсизлиги хусусида

Инсон бунёдкор, инсон-улуғлик, буюклик рамзи. Борлиқни обод этувчи, ноз-неъмат яратувчи, гузаллик ижодкори у.

Давлатимизнинг, юртбошимизнинг барча саъй-ҳаракати ҳам инсон манфаатига, унинг бугунги ва эртанги кунига қаратилган. Шундай экан, меҳнат жамоаларида, барча йирик ва кичик корхоналарда меҳнаткаш инсонни муҳофаза қилиш, унга қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш-ҳаммамизнинг, айниқса касаба уюмаларининг долзарб вазифасидир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида қабул қилинган Меҳнат Кодексининг ҳар бир сатри инсон манфаатини кўзлаб тузилган. Бугун ҳар биримиз бу қонунларга қатъий риоя қилишимиз, уни кенг миқёсда тушунтиришимиз зарур. Мухбиримиз маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитасининг меҳнат-техник йўриқчиси Умаржон Маҳмудов билан шу хусусда суҳбатлашди.

— **Умаржон Нурматович, ҳозирги кунда маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ҳаёт учун энг зарур ва кундалик эҳтиёжга эга бўлган соҳага айланди. Бу соҳада ишловчи кишилар меҳнатини, ҳаётини муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, қулай меҳнат шароитлари яратиш қай аҳволда?**

— Тўғри, бизнинг тармоқда тўрт юзга яқин катта-кичик корхона бор ва қирқ мингга яқин касаба уюшмаси аъзоси меҳнат қилади. Улар ҳунармандлар, юк ташувчилар, таъмирловчилар, хуллас доим техника ва қурол яроғ билан ишловчи кишилардир. Биз аввало ҳар бир катта-кичик жамоада техника назорати муҳандиси бўлишини талаб қилганмиз ва бунга эришдик ҳисоб. Уларни қисқа курсларда ўқитиш, меҳнат қонунлари асосида ёзма йўриқномалар бериш, бирма-бир бориб, меҳнат шароитларини кўриш натижасида худога шукр, ўтган 1995 йили тармоғимизга қарашли меҳнат жамоаларида бахтсиз ҳодиса бўлмади. Афсуски, иккита фавқулодда шикастланиш рўй берди.

— **Қани энди ўша иккита шикастланиш ҳам бўлмаса эди. Ҳар бир одамнинг жони ўзига азиз, йўқотилган меҳнат кунлари эса корхона учун зарар. Қаерда кимнинг лоқайдлиги натижасида шундай бўлди?**

— Риштон тумани сув оқава ишлаб чиқариш бошқармасида кейинги пайтда меҳнат интизоми бироз бўшашганлиги натижасида ишчи Анваржон Ҳамидов шикастланиб ногиронлик гуруҳига чиқди. Кутарма крандан юк тушириш пайтида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаган. Ишчи бош муҳандисининг айтганини бажармаган. Текширишда маълум бўлдики, бу ерда юк тушириш бўйича махсус маълумотга эга бўлмаган шахс ишга жалб этилган.

Бу ҳодиса қўмитамиз ҳайъати йигилишида ва барча сув ишлаб чиқариш бошқармаларида қаттиқ муҳокама қилинди. Бошқарма бошлиги ва бош муҳандисга хайфсан берилди. Вилоят сув ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари огоҳлантирилди. Анвар Ҳамидовга бир йўла бир йиллик маоши тўланди. Унга II-гуруҳ ногиронлиги берилиб, ўз хоҳишига кўра қоровулликка утказилди.

Қўқон махсус автокорхонасида ҳам шунга ўхшаш воқеа рўй берди. Юк тушириш пайтида юк машинасига тиркагич ўрнатилмаганлиги учун ишчи қаттиқ жароҳат олди ва унга ҳам ногиронлик гуруҳи белгиланиб, бир йўла бир йиллик иш ҳақи ундириб берилди. Автокорхона бошлиғи, техника хавфсизлиги муҳандиси, ҳамда катта механикдан жарима ундириб олинди. Бу масала ҳам қўмитамиз ҳайъати йигилишида қаттиқ муҳокама қилинди.

— **Ана, кўрдингизми, озгина эҳтиётсизлик, лоқайлик туфайли ишчи соғлиғини йўқотди. Демак, техника хавфсизлиги муҳандислари ниҳоятда зийрак ва талабчан бўлишлари керак. Бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари бу ишни қатъий назорат остига олишлари зарур.**

— Ҳа, юқоридаги воқеалар сабоқ бўлгани ҳолда деярлик барча меҳнат жамоаларида худди шундай талаблар асосида иш олиб борилмоқда. Масалан, Риштон кулолчилик корхонасида меҳнат шароити ноқулай бўлган эски хумдонлар ўрнида, янги, замонавий типдаги хумдонлар қурилди. Дам олиш хоналари ташкил этилди. Техника хавфсизлиги қоидалари ҳар бир ишчига яхши тушунтирилиб, ёзиб ҳам қўйилган. Теннис хоналари ҳам бор. Қува мебель комбинати, Қува иссиқлик манбаи идораси, Фарғона мебель комбинати, Қувадаги кўзи ожизлар ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат хавфсизлиги тўла таъминланган. Турли бўёқлар ишлатиладиган цехлар ишчилари учун сут ва парҳез таомлар берилади. Муҳофаза асбоблари ва муҳофаза кийимлари билан таъминланган.

— **Жойларга чиқиб, текшириш олиб борганингизда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйган лоқайд раҳбарларни учратасиз. Шикастланиш рўй бермаса-да бундай ҳолларга бефарқ қаралмаса керак.**

— Албатта, шикастланишни ёки бахтсиз ҳодисаларни кутиб ўтирмасдан унинг олдини олиш керак. Утган йили бизга қарашли корхоналарни текширганимизда 48 тасида меъёрий ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги, техника хавфсизлиги белгилари қўйилмаганлиги, шу соҳага оид йўриқномалар бўлмагани ва шу каби қатор камчиликлар аниқланди. Унта корхона раҳбарига ва техника хавсизлигига жавобгар шахсларга жарима солинди. Жумладан, Қўқон шаҳар махсус автокорхонаси, Қўқон шаҳар иссиқлик манбаи идораси, Қувасой шаҳар уй-жой бошқармаси, Қувасой шаҳар халқ таълими булими раҳбарлари узларининг лоқайдликлари туфайли жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари хавф-хатарсиз ишлаш учун шароит яратиб берилмаганлиги учун ўтган йили 39 та ишлаб чиқариш дастҳоҳлари ва устахоналар камчиликни батамом тугатмагунча тўхтатиб қўйилди. Учта ёг қуйиш ва битта автомашиналарни ювиш шоҳобчаси беркитилди. Биз бу ишлар юзасидан вилоят прокуратурасига ҳисобот бердик.

Тармоғимизга қарашли болалар оромгоҳларини қабул қилиш комиссиясида ҳам қатнашиб, керакли кўрсатмалар бераяпмиз. Ва ҳар бир боланинг хавф-хатарсиз дам олишига эришаяпмиз. Вилоят газ ишлаб чиқариш бошқармаси ва вилоят иссиқлик манбаи идораларининг муҳандис, техник ходимларидан имтиҳон олишда иштирок этиш, яхши натижаларга эришишимизда салмоқли ҳисса қўшаяпти. Хуллас, юқорида айтганингиздек, инсон азиз, уни асраб-авайлашни таъминлаш бурчимиз. Бу иш бизни ҳамиша зийрак ва фидоий бўлишга чорлайди.

Суҳбатдош: Санъат МАҲМУДОВА, «Ишонч» мухбири.

СОҚОЛНИ ҚАЕРДА ОЛДИРЯПСИЗ, КАТТАКОН?

Юртбошимизнинг Самарқанд вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни тезроқ оёққа тургизиш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, жумладан, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича маърузасига ҳам ярим йилга яқин фурсат ўтяпти. Хўш, бу борада Бўз туманида қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Бўз-Балиқчи йўлининг чап томонида, икки туман чегарасида аргамчидек чўзилган зовур бўйлаб Бобур номли жамоа хўжалигига қарашли Шафтолизор қишлоғи жойлашган. Қишлоқнинг кираверишида автомобилини титкилаётган йигит ёнида тўхтадим. Одатдаги салом-аликдан сўнг ўз-ўзидан гапимиз турмуш шароитига, кундалик икир-чикирларга бурилди. Маиший хизмат кўрсатиш масаласини суриштирдим.

-Қизиқ экансиз, ака, -ўзини Ғофуржон Мадраҳимов деб таништирган йигит ҳафсаласизлик билан қўл силтади. -Қуриб турганингиз мана шу дўконки ҳафтасига бир-икки марта очилиб-очилмайди-ю, сиз маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини сўрайсиз. Олдинлари туппа-тузук ишлаб турганди. Анорхон Қозоқова деган аёл ўзига хусусийлаштиргач, аҳвол тескари тарафга қараб ўзгарди. Одамларни маҳтал қилмасдан очмайсизми, десангиз, «шахсий мулким, хоҳласам ишлайман, хоҳламасам йўқ», деб баланд келади. Утган йилда водопровод келтирамиз деб кўчамизни кавлашди. Озмоз тўкилган шагал устиниям тупроқ билан кўмиб ташлашди. Шу куйи қораларини учиришди. Ҳозир осмонда булут куринса, юрагимизни ҳовучлаймиз. Негаки, ёздаям керза этик билан юрмасангиз, лойга ботасиз. Бир дона гугурт ёки соч олдириш учун 3 чақирим йул босиб қўшни тумандаги Урмонбек қишлоғига, ё бўлмаса, 7 чақирим олисдаги ҳўжалигимиз марказига боришга тўғри келади.

Ғофиржон билан хайрлашдик. 500-600 қадам юрмасимиздан ўнгга бурилган йўл четида ҳангомалашаётганлар эътиборимизни тортди.

-Кечаги футбол уйинини кўра олмасдан догда қолдим-да, - нозикдан келган қорамагиз йигит афсусланиб деди. -Жудаям ишқибозман. Анчадан бери кутиб юргандим. Айб узимда асли қўшни Шаҳрихон туманидаги «Оқ олтин» қишлоғидаги қариндошимизникига кетсам булар экан.

-Зарурроқ юмуш чиқиб қолдими?-қизиқсиндим.

-Электримиз чатоқ,-Дилшодбек Назаров аламли оҳангда изоҳ берди.- Оқшом яқинлашдими, чала пишган помидордек саргаяди-қолади. На телевизор курсатади, на бирон нарса ўқий оласиз. Дадамга ялиниб юриб олдиргандим бу савилни. Курсатмагач бир қоп темирдан фарқи йўқ экан. Электрга пул тўлаймизу бола фақирлар шам ёқиб дарс қилишади. Маҳалламизда ҳеч бўлмаганда бошланғич синф очиб бериш бўйича талабимизга ҳеч ким қулоқ осмаяпти. Она сути огзидан кетмаган гудакларнинг қиш-қировли кунларда ярим белларигача қорга ботиб қўшни туманларга мактабга қатнашганлигини кўриб юрагингиз туз сепгандек ачишади.

Менинг қандай масалани ўрганиб юрганлигимни билиб Дилшодбекнинг шериклари гапни илиб кетишди.

-Президентимизнинг Самарқандидаги маърузаларидан кейин бу ҳақда газеталарда ёзишяпти, радио ва телевидениеда тилга олишяпти, аммо биз ўзгаришни сезмаяпмиз,-дейишди бирлари қўйиб бирлари Акбарали Исмоилов билан Иброҳимжон Абдазовлар. - Ҳалиям эски ҳаммом, эски тос. Расмга тушиш зарурати тугилса, қўя беринг ўн сўмга пойафзал яматиш учун 30 сўм пул сарфлаб туман марказига боришга мажбурсиз. Ҳўжалигимиз марказидаги ҳаммомнинг тўхтаганига икки йил кетяпти. Кимдир хусусийлаштириб олган эмиш. Сураганларга хоҳласам очаман, хоҳламасам йўқ, деб жавоб қайтарибди.

Бир маҳаллар Тельман номи билан аталган, истиқлол шарофати туфайли «Гулистон» деб ўзгартирилган жамоа хўжалиги мен кўрмаган йиллар ичида исми жисмига монанд чинакамига гулистон тусини олибди. Айниқса, унинг марказида қад ростлаган посёлка ушбу ҳудуд бир маҳаллар Марказий Фарғона массивининг қуш учса қаноти, одам юрса оёги куядиган собиқ қумтепалар ўрнида жойлашганлигига одамнинг ишонгиси келмайди. Йул бўйидаги азим дарахтлар, шарқираб оқаётган ариқлар, бири иккинчиқа, уям эгалик бўлиб кетган. Гоҳо, одам кириб-чиқаётганини кўрамиз, гоҳ ҳафталаб пашша ҳам учмайди.

-Айниқса, ҳаммомга ачинасан киши,-суҳбатга қўшилди урта ёшлардаги деҳқон. -Ишлатиш учун ҳамма шароит муҳайё. Табиий газ гурилаб ёнаяпти. Фақат чинакамига эгасининг кўкдан ерга тушгиси келмайди. Хоҳласа ишлатармиш. Агар ишбилармонроқ булганида эди, ҳам чунтагига фойдаси тегарди, ҳам халқ узоққа қатнаб қийналмасди. Қаровсизликдан шўр босиб деворлари қулашга бошлади.

Худди шу тахдит эътирозни Юсуфжон Шодмонов номли жамоа хўжалигида булганимизда ҳам эшитдик. Хўжаликнинг «Абдуллажон ота», қўшни «Зарбдор» ва бошқа қатор маҳаллаларда сартарошхона йўқлигини, уларнинг фуқаролари, асосан қўшни Шаҳрихон тумани қишлоқларига утиб соч-соқол олдиришларини, пойафзал устахонаси эса муаммо эканлигини таъкидлашлари билан бир қаторда хўжалик марказидаги ҳаммом хусусийлаштирилганидан сўнг фаолиятини тўхтатганлигидан шикоят қилишди.

Тўғри, қучмас мулкнинг янги шаклга утишлиги давр тақозоси. Биз билан мулоқотда булганлардан ҳеч бирининг бундан норозилиги сезилмади. Барчасининг талаби битта холос, янгиланиш, иқтисодиётимиздаги ислоҳотлар фаровонлик ошувига, тараққиётга хизмат қилсин. Сал утгач, билишимизча туманнинг кўпгина жойларидаги хизмат кўрсатиш соҳалари, жумладан, ҳаммомлар хусусийлаштирилгач, тўхтаб қопти. Шундай мазмундаги эътирозлар қулоғимизга чалингач, Насриддин афанди ҳақидаги латифа эсга тушди.

Унда ҳикоя қилинишича, афанди кучадан утиб бораётса, бир киши ҳалеб ўзи утирган дарахт шоҳига болта ураётган эмиш. Буни кўрган афанди огоҳлантирибди:

-Бародар, бошқа шоҳга утиб олинг, йиқилиб тушасиз.

Ҳалиги нодон бунга жавобан афандига «ишинг булмасин, сенга нима», дегандек уқрайиб олибди, шоҳни кесаверибди.

Кўп вақт утмасдан пешонаси қашқа бўлган ҳалиги киши афандини қувиб етибди ва:

-Йиқилишимни каромат қилган эдинг, энди ўлишлигимни ҳам билиб берасан,- дея қистовга олибди...

Туман раҳбарлари кучмас мулкни хусусийлаштиришга-ку фотиҳа беришган экан, балки, энди уларни қайтадан фаолиятларини жонлантириш чорасини ҳам ўйлаб қуришар! Надоматларким, ҳозирча бунинг асари сезилмаяпти.

Шу уринда қушни Наманган вилояти касаба уюшмалар кенгашининг вилоят ҳокимлиги билан тузган Келишувда «хусусийлаштирилган мулкни авайламайдиган, ўзига ҳам, давлатга ҳам, ходимларга ҳам даромад келтиришнинг уддасидан чиқмайдиганларга берилган рухсатномаларни қонунлар асосида бекор қилиш» юзасидан таклифини бу ерда ҳам қўллаш зарурмикан, деган мулоҳазани туман ҳокимлиги ўйлаб курса, чакки булмасди.

Умуман, юқорида санаб ўтилган хилдаги камчиликларни туманнинг барча қишлоқларида, Бўз шаҳарчасининг ўзида ҳам учратасиз. Ҳатто, марказий ҳаммомни ҳам мунтазам ишлайди, деб булмайди. Биз ҳайбат билан қад кериб турган уч қаватли маиший хизмат кўрсатиш уйига кирганимизда унинг қуруқ савлатдагина иборатлигига ишондик. Қайси бир хона эшигини ушлаб қурманг, таққа-тақ берк. Учинчи қаватдаги тўқиш цехи хомаше йўқлигидан ишни бас қилганига йил тулибди. Неча минг сўмлаб маблагга сотиб олинган қимматбаҳо машиналар чанг босиб ётибди. Ишчиларга жавоб бериб юборилган. Иккинчи қаватдаги тикувчилик цехидаги 12 та дастҳоҳнинг тақдири ҳам шундай. Ҳозирча икки нафаргина чевар келиб-кетиб юришибди. Улардан бири - Раънохон Назарованинг тан олишича, узлари маҳаллама-маҳалла буюртма йигиб ишлашяпти. Туман маиший хизмат кўрсатиш ҳиссадорлик уюшмаси бошлиги Умарали Аширохунов на тикувчилик цехига ва на тикувчилар учун хомаше ҳам, буюртма ҳам топиб беришнинг уддасидан чиқмаяпти. Бошлиқ ўринбосари Қутбиддин Муллабоевнинг эътироф этишича, Президентнинг Самарқанд вилоятидаги маърузасидан кейин ишни жонлаштириш юзасидан ҳалигача арзирли тадбир тузилмаган, уларнинг шу мавзуга оид фикр-мулоҳазалари ҳисоблари туман ҳокимлигида эшитилмаган ва кўриб чиқилмаган.

Шундай ҳолатларга дуч келганингизда юртбошимизнинг гарбдаги ривожланган давлатларда аҳолининг ярмига яқин қисми маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида банднги, бу соҳа турмуш тараққиётининг асосий шарти эканлиги юзасидан куйиб-ениб айтган сузлари ёдга тушади ва бешхтиер лоқайдликка қачон чек қўйилади, нега давр олга сураётган талабларни ўз вақтида тушуниб олмаймиз, шунга қараб иш юритмаймиз, дея ўйлаб қоласиз. Ахир, нима учун қишлоқ кишилари соч ва соқол олдиришга ёки пойафзалини яматишга, албатта овора-ю сарсон булиб йўлкира сарфлаб хўжалик ё бўлмаса туман марказига қатнаши керак? Шундай экан, туман катталарига қараб ўзингиз соч-соқолни қаерда олдиряпсиз, деган савол ташлашга ҳақлимиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Кухна оламда баҳор фасли... Дов-дарахтларда жонланиш, яшилланиш қутқуси. Ут-уланлар ердан бош кутариб, бойчечагу, лолалар очилди... Табиатда ажиб баҳорий тароват, қалбларда сурур, гузаликка интилиш, ҳаётга иштиёқ... Бу - баҳор нафосати янглиг муъжизалар...

Узбекистон об-ҳаво бюросининг берган маълумотига қараганда, келгуси ҳафтанинг дастлабки ва сунгги кунларида деярли ёгингарчилик булмайди. Ҳафтанинг ўртасида эса баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёгади, момақалдироқ булиши кутилади. Жойларда шамолнинг тезлиги 15-20 м/сек булади. Ҳарорат кечалари 7-13 даража илиқ булади. Кундуз кунлари эса ҳароратнинг 15-20 даража иссиқ булиши кутилади. Шимолий ҳудудларда эса кечалари ҳарорат 3-8 даража илиқ, кундуз кунлари эса 13-18 даража иссиқ булади.

21 апрел куни сурункали касаллиги булган кишилар учун ноқулай об-ҳаво шароити ҳисобланади. Бу иқлимнинг бир оз узгариши ва кечга бориб геомагнит буронларининг булиши билан боғлиқ ҳолатдир. Бундай вазият бод ҳасталиги, вегетатив томирлар дистонияси, бронхит, нафас қисиш ҳасталиклари билан огриган беморлар учун ноқулайликлар тугдиради. Бундай кишилардан шу куни одатдагидан кўпроқ ётиб дам олишлари, кун тартибича овқатланишлари, даво муолажалари ва дам олиш маромига қатъий риоя этиш талаб қилинади, узлари ичиб келган дориларни ичиб турган маъқул.

Гипертония, мия қон айланишининг бузилиши билан, вегетатив қон-томир дистонияси бор беморлар учун пустирник, «Сердечний чай» каби усимлик дамламаларини истеъмол қилиш фойдали дорахол эмас.

Саломат булинг!

Тўйхат ўрнида

ТОШКЕНТНИНГ ДИЛКАШ ШАҲЗОДАСИ



Таниқли шоир Ҳайдар Муҳаммад умрининг олтмишинчи баҳорини қаршилади. Тошкентда туғилган ва Педагогика олий илмгоҳида таҳсил кўрган шоир ижод майдонига ажойиб шеърлари ва ғазал қушиқлари билан кириб келди.

Ўзбекистон радиосида ишлаб юрган кезлари унинг юзлаб қушиқлари ҳаво тўлқинлари орқали парвоз қилди, минглаб санъатсеварлар қалбидан жой олди. Ҳайдар Муҳаммаднинг «Хатларим етмасмикан», «Севги баҳори», «Ёзган хатинг қулимда», «Томчилар», «Дилбаримсан» қушиқлари жуда оммалашиб кетди. Унинг шеърига басталанган «Йулинг топсам» қушиғи Умумевропа фестивали голиби булди.

Қушиқчи шоир сифатида танилган Ҳайдар Муҳаммад лирик руҳ, қувноқ ҳазил, фалсафий теранлик билан йуғрилган шеърлари билан минглаб китобхонларни севинтирди. Унинг «Кунглим менинг», «Йулларинг муштоқиман», «Олчамнинг туғилган куни» шеърий тупламлари кўплаб оилаларнинг китоб жавонларини безаб турибди.

Ҳайдар Муҳаммад драматург сифатида ҳам мамлакатимиз санъатсеварлари орасида яхши таниш. Ижодкорнинг «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Куёвлар конкурси», «Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома» драмалари мухлисларига манзур булди. Драматургнинг «Жиноят устида ушланасин» асари Тошкент Ҳамза театрида, «Ҳар кимки вафо қилса» асари Муқимий театрида, «Кунгил чинни пиёла»си Жиззах вилоят театрида, «Сеҳргар ва айёр» Сурхондарё вилоят театрида саҳналаштирилди. Унинг комедияси асосида «Темир эркак» фильми суратга олинди. Тожикистон, Қирғизистон давлат театрлари ҳам Ҳайдар Муҳаммад асарларини саҳналаштирган.

Ўзбекистон радиосида, Маданият ишлари вазирлигида масъул вазифаларда ишлаган шоир ва драматург ҳозир республикамизнинг етакчи театри — Ҳамза томошагоҳида адабий булим раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Унинг «Ҳамза театрига 70 йил», «Мелиса»дан «Соҳибқирон»гача» деган театршуносликка оид китоблари чоп этилган.

«Тошкентнинг нозанин маликаси» драмаси билан элга танилган Ҳайдар Муҳаммад дустлари ва тенгқурлари даврасида Тошкентнинг дилкаш шаҳзодаси уларок бугун қутлуғ 60 ёшини нишонлаяпти. Уни қутлаётган дустлари, мухлислари, минг-минглаб ижод аҳли табригига журовоз булиб, таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммадга мустаҳкам соғлиқ ва ижодий баркамоллик тилаймиз.

Файзи ШОҲ.

ТАРБИЯГА БАХШИДА УМР



Қарийб 44 йилдан бери муаллимлик касбини шарафлаб келаётган Холмат ака Ниёзматовни Жиззах вилоятида чуқур ҳурмат эҳтиром билан тилга олишади. Ҳарф танитган устознинг шогирдлари беҳисоб. Олий тоифали устоз, «Шавкатли меҳнати учун» медали соҳиби Холмат Ниёзматов Зомин туманидаги Назирқул Қулдошев номли 3-ўрта мактабда ёшларга илм бермоқда.

Муаллимнинг оиласини ҳамма уқитувчилар сулоласи дея тилга олади. Устознинг қизлари Раъно, Барно, Лайло ҳам бошланғич синф муаллимларидир. Келини Саодат эса тарих фанидан ёшларга сабоқ беради. Муаллимликни ўз умрининг илдизларига айлантирган талабчан ва билимдон устоз бир қучоқ набиранинг севимли буваси. Ҳар тонг уни қишлоқ кўчасида бир қучоқ китобу дафтар кўтариб мактабга, шогирдлари даврасига шошилаётганини кўрасиз. Фидоий муаллимнинг кўплаб шогирдлари ўзи билан елкама-елка болаларга дарс бериши унинг ёшига ёш, фахрига фахр инъом этади.

Суратда: Халқ таълими аълочиси, бошланғич таълим устаси Холмат ака Ниёзматов.

Акром Исаев сурати.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

УЙҚУ КЕЛМАС КЕЧАЛАР

романдан парча

(Довоми. Боши ўтган сонда)

«Ёшлари бир жойга бориб қолибдию, худди ёш келинкуёвлардек бир-бирларини ялаб-юлқашади-я» деб ўзларича янишибди. Буни менга ҳеч ким айтмади. Ўзим сездим. Уларнинг бизга ўқрайиб қарашидан, бир-бирларига имо-ишоралар билан бизларни кўрсатишларидан англадим. Уларни тушунса булади. Тилагим: илоҳи, бошларига ишқ савдоси тушсин, бизнинг кунимизга учрасинлар, кимки бизга таҳассуб айласа, мурод-мақсадига етсин, кимки бизни масхара қилса, ўзи ишқ дардига мубтало булиб, устимиздан кулгани учун кейин пушаймон есин, ишқ унинг қалбини ёритгай. Омин Аллоҳу Акбар.

Даволаниш муддати тугагач, (туғрироғи, дустлар имкон яратиб беришди, сиз истаган муддатгача даволандингиз), уч-тўрт ҳафта давомида палата ва балконда тупланиб қолган идиш-оёқлар, совға-саломлар, корзинка-порзинкаларни машина юкхонасига ортиб, уйга отланаётганимизда, сиз тусатдан бундай деб қолдингиз:

- Иссиғида, ҳозир айтиб қуя қолай, ўғил бола гап шуки, Фахриддин ака, агар сиз булмасангиз, бу ердан менинг тиригим кетмасди, улигимни замбилга солиб «тез ёрдам»га ортиб кетишарди.

- Нафасни иссиқ қилинг-ей...

- Йуқ, тан олмасам, кўрнамаклик булади, сизнинг меҳрингиз мени бу дунёда олиб қолди. Бу яхшилигингизни билмасам, кўр буламан, басир буламан.

- Нима қилибман мен, оддий бурчимни бажарибман, холос.

- Лекин қай таҳлитда бажардингиз, ҳамма гап ана шунда. Ишқилиб, бахтимга омон булинг-да. Қани кетдик - уйга!

Машинанинг орқа уриндиғига ёнма-ён утирдик. Машина тор кўчадан аста юриб, катта кўчага чиқиб олгач, визиллаб кетди. Демак, тезлик даражаси кўчанинг кенг ёки торлигига, катта ёки кичиклигига ҳам боғлиқ. Бунда бир рамз, бир ибрат бор эмасмикан? Баъзи одамлар тор кўчада сизнинг етовингизда юриб, катта кўчага чиқиб олгач, сизни унутиб, ёлғиз қолдириб кетишади-ку. Биз минган машина тор кўчадан катта кўчага чиқиб, тезлигини ошираётганида хаёлимдан шу фикр утди.

Минган машинамиз гоҳ секинлайди, гоҳ елдек учади, гоҳо бошқа машиналардан узади, гоҳо орқада қолади.

Олдинда кўчалар, ойдин қоронғу кўчалар. Улар бизни қаерларга элтади, кимларга учраштиради, билмаймиз. Билсак, бормасмидик, учрашмасмидик. Ким билади дейсиз, тақдир деганлари мана шу жумбоқ эмасмикин...

Ёқутхон, азизим, бундан уч ярим йилча муқаддам физиотерапия шифохонасида юз берган ҳодисани сизга кўрсатган меҳрибонлигимни эслатиш учун тилга олмадим. Менинг урнимда бошқа одам булса сизни кунига уч марталаб йуқлармиди-йуқми, билмадиму, лекин мен буни оддий инсоний бурчим, деб билганман, ҳеч бир таъмасиз, келажакда бир манфаат кўришни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Мен шуни билишни истардимки, ушандаги қиёфангиз сизнинг ҳақиқий қиёфангизми ёки яқиндагина менинг янги иш жойимга ўдағайлаб кириб келганингиздаги важоҳатли қиёфангиз сизнинг асл қиёфангизми, илгариги ширин-шакар сўзларингиз сизнинг ҳақиқий сўзларингизми ёки дугонангиз Зарина олдида менга қарата айтган ачиқ-қурум гапларингиз сизнинг ҳақиқий сўзларингизми? Қайси бири сохта?! Иккисидан бири туғри булиб чиқади, учинчиси йуқ, биламан. Мана шу жумбоқ мени ўйлантиради. Мен ёки аввалгисига чиппа-чин ишониб, алданганман ёки кейингисини сизасабий ҳолатда айтиб юбордингиз. Ёки аввалги қиёфангиз аслан сизникими, ёки кейингиси! Қайси бирига ишонай? Одамда иккита қиёфа булмайди, қиёфа фақат битта булади. Туғри, одамда ташқи ва ички қиёфалар булиши мумкин. Дуппи тор келганда ички сиринги сиртига чиқариши, сиртқисини ичига яшириши ҳам мумкин. Виждонли одамларда эса ички қиёфаси билан ташқи қиёфаси уртасида мутлақо фарқ булмайди.

Ёқутхон, маълумки, ҳайвон ҳеч қачон одамга айланмайди. Лекин одам ҳайвонсифат булиб қолиши мумкин экан. Инсофни унутса, хиёнат қилса, имонини ютса. Диёнатсиз булса. Ор-номусни билмас. Ёлғон сўзласа. Виждонига қулоқ солмаса. Виждонига қулоқ солмаган кимсани виждони тарк этади, виждонсиз булиб қолади. Виждон урни бўш турмайди, унинг урнини ҳам жигилдон эгаллайди. Молпараст, манфатпараст, пасткаш булиб қолади. Ҳамма нарсани пул билан улчайди, пул билан ҳамма ва ҳар қандай ишни битирса булади, деб ҳисоблайди. Чунки ўзи шундай ўйлайди-да, ўзи шундай иш битиради-да...

Пул учун хотинниям, онасиниям қўшиб берувчилар бор, деб эшитганман. Танасини пулга сотувчилар азалдан булиб келган. Ҳамма замонларда ва барча ҳалол кишилар томонидан бу «касб» эгалари қораланиб келган ва қораланиб турибди. Ҳатто бу «касб» эгаларига пул сарфлаб, ёки бирор хизмат кўрсатиб (ҳозирги кунда четга чиқиши учун виза олиб бериб, бирор ёлғироқ ишга жойлаб), ўтказиб қўйиб, алоқа қилган нопок кишиларнинг ўзлари ҳам, ишлари битиб, ҳирслари қонгач, улардан жирканадилар, кейинчалик ҳазар қиладилар.

Йуқ, ҳақиқий одам пулга сотилмайди. Пулга сотилган одам, энди у одам эмас, ҳайвон! Ҳа, ҳайвонлар - қўй, эчки, от, қорамоллар, ҳатто эшак ҳам пулга сотилади. Уларни ўзлари эмас, эгалари сотишади. Пулга сотиладиган одам ҳам бамисоли изми эгаси қулида булмиш ҳайвондир. Бу маълум нарса.

Аслида одам пулга сотилган булмайди, балки пулга сотилгандай булиб туюлади. Менимча, пулга сотилиш - бу ўзини пул тулаган кимсага ижарага бериш демакдир. Ижара муддати - фойдаланиш даври пул миқдори тугагач, қайтарилади ёки пул тулаган одамни муддатидан олдинроқ орқасига бир тепиб ҳайдаб юборади. Гўё, қариб уйни кўриқлашга ярамай қолган итни, юк ташишга қуввати қолмаган эшшакни ҳайдаб юборишади. Ҳўкиз, сигир, от кабиларни эса гуштга топширилади. Бошқа йул йуқ. Уларнинг аччиқ қисмати ҳамиша шундай булиб келган.

Демак, пулга сотилган кимса инсон қиёфасидаги ҳайвондир. Ундайлар бу дунёдан одам қавмида эмас, тўнғиз қавмида кетишади. Эл оғзидаги «Ҳаҳ, гурингдан тўнғиз қопгур» деган ибора, мана шундайларга нисбатан айтилган.

Тили бошқаю, дили бошқа, яъни ёлғон сўзловчи одам аслида одамликдан чиққан кимсадир. Бундайларнинг ҳайвондан нима фарқи бор? Фарқи шуки, кўриниши одаму, қилмиши ҳайвоний! Ҳайвонларнинг ҳайвон экани яққол кўриниб туради, улардан, айниқса ваҳший ҳайвонлардан зиён-заҳматнинг олдини олиш, чора-тадбирини кўриш мумкин. Лекин ҳайвонсифат одамлар сиртдан инсоний қиёфада булганлари учун алданиб қоламиз. Кўринг, ана фожиа қаердан бошланади, фалокатнинг куртаги қаерда?!

Ривоятда айтилишича, биринчи навбатда мунофиқлиги учун, яъни дили билан тили бир булмагани учун Шайтон, жаннатдан қувилиб, макони қаер булиши ҳақида савол тугилганда, у Аллоҳдан одамларнинг қон томирида юришни сураган экан. Аллоҳнинг даргоҳи кенг эмасми, Шайтоннинг илтимосини ижобат қилибди. Шу-шу Шайтон лақма одамларни лақиллатиб келади. У ҳар қанақа қиёфага кира олади. Фақат ҳазрат Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу вассалламнинг қиёфаларида кўрина олмайди, бу ҳақда расули акрам ҳадиси шарифда марҳамат қилганлар, биз умматларига.

Шайтон одамларни алдашга, чалғитишга моҳир. Шайтоннинг сузига учмаслик учун исломни маҳкам тутиш, бешак Парвардигор, агар имони дарз кетган булса, исломга қайтиши, яъни билиб-билмасдан қилган ва тасодифан қилиб қўйган гуноҳлари учун Аллоҳга тавба-тазару қилишни, жабр қилган, азоб берган одамидан эса кечирим сураши керак булади. Бу унинг виждонига, ақл-идрокига ҳавола. Аллоҳга ёлбориш ва одамдан кечирим сураш кабилар буюрилмайди, балки шунга даъват қилинади, эслатиб қўйилади, холос. Яхшиликка даъват қилиш, гар амалга ошса, икки томонга ҳам савоб келтиради. Мабодо амалга ошмай қолган тақдирда ҳам даъват этувчининг номаи аъмолига тегишли савоб ёзилаверади. Шунинг учун ҳам яхшиликка даъват этганга нима етсин, деймиз.

... Ҳали, юқорироқда: «ҳайвон ҳеч қачон одамга айланиб қолмайди, лекин одам ҳайвонсифат булиб қолиши мумкин экан» дедим. Одамнинг ҳайвондан афзаллиги шундаки, у шарафли зот, унда онг, ақл-идрок, фаросат бор. Шу сабабли ҳайвоний сифатларидан қутила бориб, яна аслига қайтиши ҳам мумкин. Бунинг учун эса инсофга, имонга, исломга қайтиши, хиёнат кучасига қайта бормаслиги, диёнатли булиши, ор-номусни шараф деб билиши, рост гапириши, виждон билан иш тутиши, молпарастлик, манфаатпарастликдан тийилиши керак. Ана шунда жигилдони виждонига ўз урнини яна бушатиб беради, нафс балоси ҳаккалак отишдан тухтамайди, пулга сажда қилишдек балои азимдан қутилади. Одий яшаса-да, хотиржам яшайди, қалби эса оромда, ҳаловатда. Бировнинг олдида нимадандир тили қисиқлик жойи йуқ. Бундан ортиқ инсоний бахт-саодат бормикан ўзи бу ёруғ жаҳонда!

Ёқутхон, азизам, сизга ушбу мактубни ёзарканман, фикр-мулоҳазалар миямга ўз-ўзидан қуйилиб келаверади, гўё юзма-юз утирибмиз дилкаш суҳбат қуряпмиз. Буни қарангки, мактуб ҳам суҳбатнинг бир тури экан. Фақат гойибона! Шунинг учун ҳам утмишда - ҳали телефонлар йуқ замонларда саводхон одамлар мактубга тез-тез мурожаат этган, уни ёзган кишини ҳурмат қилишган, мактубнинг узини эса қадрлаб, авайлаб, сақлаб, авлодларига маънавий ва моддий бойлик сифатида мерос қилиб қолдиришган. Агар ёдингизда булса, Александр Пушкиннинг қайлиғи Наталья Гончаровага ёзган ўн иккита мактуби орадан бир юз олтмиш йил утгач, Лондонда кимошди савдосида Россия ҳукумати томонидан 12 миллион долларга шоир музейига қуйиш учун сотиб олингани ҳақида газетада уқиганимни айтиб эдим. Ҳа, маънавий бойликни қадрига етадиган, уни моддий бойликдан ҳам юқори қуядиган, моддий бойлик сифатида ҳам эътироф этадиган, бундай бойликларни сақлаб келаётганларни рағбатлантирадиган кишилар ҳам бор бу ёруғ жаҳонда!

Ушбу мактубимда баён этилаётган фикр-мулоҳазалар сизу бизга бевосита алоқаси булишбўлмаслигидан қатъий назар (балки, яна ким билади, дейсиз, бевосита алоқаси бордир), бошқаларга муайян даражада алоқаси булиши мумкин, деб ўйлайман. Кимгадир, кимларгадир тегиб кетиши эҳтимолдан узоқ эмас, дейман. Қаламнинг излари абадий. Биз утгандан кейин, бу мактубни уқиган авлодларимиз ёки бегоналар ҳам кимлигимизни, бир-биримизга қандай муносабатда булганимизни билиб олишар, ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишар, деган умиддаман. Шу боисдан қогозга тушган ҳеч бир фикр-мулоҳазаларимни олиб ташламаяпман - қандай ёзилаётган булса, шундайлигича қолдиряпман. Мабодо бенхтиёр қогозга тушиб қолган айрим фикр-мулоҳазаларни нотуғри деб топсангиз, у ҳолда олдиндан узримни қабул этгайсиз.

Ажабки, сизга ушбу мактубни ёзаётганимда қалбимни гўе қалам тутган ўнг қўлим кафтига кўчгандек, кафтимда тургандек ҳис этмоқдаман. Қалби - кафтида, деган иборанинг маъносига мана энди тушуниб етгандайман.

Ушбу мактубдаги менинг фикр-мулоҳазаларимга сизнинг ўз муносабатингиз, ўз жавобингиз бор, албатта. Бунга ишонаман. Ахир салкам тўрт йиллик турмушимизда сиз билан қанчалаб дилкаш суҳбатлар қурмадик. Уша суҳбатларда қалбингиз очилган дақиқалар булганмиди-йўқми, ҳозир аниқ бир тухтамга келолмасам-да, бироқ уша кезлари Ёқутхоннинг қалби кафтида деб сизни эъзозлардим. Илк ишонч кейинги гумондан устун экан. Буни бир билинг, Сиз наздимда ҳамон қалби кафтида булмиш Инсон сиймосида табассум этмоқдасиз. Шу табассумни унутолмайман.

ДУШАНБА, 22

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон телевидениесининг барча каналларида профилактика ўтказилиши сабабли, душанба 22 апрель куни ЎзТВ I қурсатувлари соат 17.55 дан бошлаб намойиш этилади.

I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 I. «Миллат». «Кўзгудаги ҳақиқат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 2. «Миллат». «Уни ким уйғотади?». Публицистик кўрсатувларнинг давоми.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.55 «Сен баҳорни соғинмадингми?». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Икромжон Бўронов куйлайди.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 — 24.00 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Армудлар». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40

20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Дорбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.20

22.20 «Чўл тимсоҳи», «Байрамали». Телефильмлар.
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
19.40 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
20.10 Эълонлар.
20.15 «Дунё эшиги». Бевосита мулоқот.
20.45 «Спорт-тайм».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинематограф».
22.10 «Тиббиёт ҳамма учун».
22.45 «5+1».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 8-серия.
9.10 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Талабалик йилларим». Таҳлилий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тадбиркорлар ҳаётидан лавҳалар.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Ўзбекистон тарихи.
11.00 Немис тили.
11.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Элизабет Тэйлор.
12.00 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Улғайиш поғоналари». Тележурнал.
18.35 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.05 «Фан фидойилари». Юридик фанлари доктори, профессор Икром Зокиров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Автоолам». Телелавҳа.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
21.55 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
22.45 «Хўжа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.35 «Теннис-клуб».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.25 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кўқон ёдгорликлари». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Райҳон Қосимова рақсга тушади». Фильм-концерт.
22.15 «Палиостоми кўли». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.25 — 23.30

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мультқарусель».
18.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
19.05 «Дунё ва болалар».
19.45 Эълонлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.10 «Уй остонадан бошланади».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Ўзбекистон компьютери: бугуни ва келажаги».
22.40 «Мушоҳада учун мавзу». Публицистик кўрсатув.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 24

ХАЛҚАРО ЁШЛАР БИРДАМЛИГИ КУНИ

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 «Ажаб саодат эрур». Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига.
9.20 «Хўжа Насриддин: экрандаги саргузаштлар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Маърифат маскани». Ёшларнинг тафаккур дунёси.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.30 Адабиёт.
12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоаларининг концерти.
12.35 «Ассалом, япон тили!».
13.15 «Мен ёшликман...». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат шайдолари». Телебеллашув.
18.50 Спорт хабарномаси.
19.00 «Ёшлар ва замон». Халқаро ёшлар бирдамлиги кунига.



19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан.
21.30 «Дилдаги гаплар». Муҳриддин Холиқов.
22.15 «Бўстон». Телевизион журнал.
23.15 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Мусаввир нигоҳи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.25 «Бугуннинг гаплари». Мусиқий-публицистик дастур.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер — Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Табаҳар». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Севишганлар». Бадиий фильм.

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Раққослар қанотида». Хитой рақс санъати.
19.35 «Рангинкамон» (тожик тилида).
20.15 Эълонлар.
20.20 «Тошкент оқшомида».
21.20 «Ёр» сайёраси.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кинематограф».
22.55 — 23.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
9.25 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.40 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ тадбиркорлари». Телеҳикоя.
Ўқув машғулотлари:
10.30 Инглиз тили.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 «Хоразм ҳалфалари». Мусиқий дастур.
12.00 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
12.30 Кураш. Осиё чемпионати.
13.00 Диққат, премьера: «Истеъдод. Розия Абдуҳаирова». «Ўзбектелефильм». Фильм-концерт.
13.30 «Тафаккур». Тележурнал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
17.50 «Уйинқаро болалар». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Инсон болаликдан бошланади». Ўзбекистон телевизениеси ҳамда «Халқ сўзи» газетасининг биргаликдаги рейди.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Марказий Осиё: тинчлик йўлидаги ҳамкорлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессиясида.
22.35 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.15 Спорт дастури: 1. Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. 2. Теннис-клуб.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фармед».
20.10 «Сизнинг услуб».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «Спорт-қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Батабат». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Улоқ», «Сеҳрли йилқи». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси
22.00 — 22.30

22.30 Эълонлар.
22.35 Спорт янгиликларининг эстафетаси.
22.50 — 22.55 Эълонлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Иштирок этувчилар».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Кўркам Сакура».
20.55 «Каталог».
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Компьютер-ревю».
22.00 «Бу бўстон аро...».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Туризм-ревю».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.50 «Оловдан эҳтиёт бўл, болажон!»
9.10 «Мусиқа жавони». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Ислоҳот ва масъулият». Изланишлар самараси.
11.05 «Истеъдодлар байрами». Иқтидорли ўқувчиларнинг V Республика слёти.
11.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тошкент». Манзарали фильм.
12.10 «Турон тулпорлари». Спорт дастури.
12.25 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
13.00 «Мўлжал». Публицистик кўрсатув.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи». Публицистик кўрсатув.
18.40 «Бозор ва мулкдор».
19.05 «Туркистон — умумий уйимиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Кеча ва бугун».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Баҳор наволари». Мусиқий дастур.
21.35 «Ишингиз бароридан келсин!».
22.25 Олтин мерос. «Санъатим — халқим учун». Халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.50 «Бешинчи рукн». Маърифий-ҳужжатли фильм.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Жума тақвими».
18.40 «Муаллиф».
18.50 «Юлдузлар».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Эртага шанба».
21.25 «Мафтункор чеҳралар».
21.50 «Таманно».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 — 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тандир, арча, олов». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

20.40 «Тропиканка сири». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.50 «Унутилган қўшиқ», «Балкон». Телефильмлар.

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.20

22.20 «Умр — оқар дарё...». Ҳужжатли фильм. Ботир Зокиров хотирасига бағишланади.
23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.20 «Дорихона эшитади...». Бевосита мулоқот.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Сени севаман, Тошкент!».
20.30 «Оқшом учрашувлари». Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг 70 йиллигига.
21.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.45 «Бизнес-академия».
22.10 «Тошкентнома».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Ҳайдар Муҳаммад.
9.15 «Оламни асранг!». Мусаффо ҳаво учун.
9

ЁРҚИН ХОТИРА

Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган Ўзбекистон металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланмоқда. Ўтган йил иш якунлари бўйича комбинат жамоаси 660 миллион сўм миқдорида фойда олди.

Металлурглик касби нақадар мураккаб эканлиги, пўлат эритувчилар, қуювчилар, прокатчилар, пайвандчилар қанчалик жисмоний куч сарфлашлари сир эмас. Унинг кучқувватини, жисмоний фаолиятини муайян маромда ушлаб туришда жисмоний тарбия ва спорт нақадар катта аҳамиятга эга эканини таъкидлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Корхона ишга тушган 40-йилларнинг ўрталаридан бошлаб жамоа ҳаётида жисмоний тарбия ва спорт муҳим роль ўйнаб келмоқда.

Республикада биринчи металлургия заводининг барча директорлари, биринчи директор Ф.Ф.Рязановдан тортиб ҳозирги «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик жамиятининг бош директори А.К.Фармоновгача корхона ходимлари учун ишлаб чиқариш ва турмуш шароитлари яратишаркан, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига алоҳида эътибор беришган.

Бултур ҳаётдан кўз юмган, лекин завод аҳли ва Бекобод фуқаролари хотирасидан мангу жой олган собиқ директор Анатолий Михайлович Анохин корхонанинг равнақи учун жуда кўп иш қилган эди.

А.М.Анохиннинг ташаббуси билан цехларни ижара, жамоа мулкига айлантириш бошланган, корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантиришга тайёргарлик олиб борилган эди. Ҳозирги шароитда мулк ва заҳираларга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи уни вужудга келтираётган кишиларга тааллуқли бўлишига у қатъий ишонарди. Ижтимоий масалалар, меҳнаткашларнинг маданий турмуши, металлургларнинг спорт базасини ривожлантириш ҳамиша Анатолий Михайловичнинг диққат марказида бўларди. Унинг даврида И.Ф.Муҳамедов номидаги Маданият саройи, санаторий-профилакторий, стадион реконструкция қилинди, ажойиб сузиш ҳовузи қурилди.

Завод жамоасининг ташаббуси ва Бекобод шаҳри ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти спорт мажмуига А.М.Анохин номи берилди.

— А.М.Анохин номидаги спорт мажмуида ҳозирги пайтда спортнинг етти тури ва соғломлаштиришнинг икки тури-атлетика гимнасикаси ва умумий жисмоний тайёргарлик бўйича булимлар ишлаб турибди, — дейди комбинат касаба уюшмаси раиси М.Боймуродов, — ҳовузда ҳар куни юз киши сузади, комбинат оталиғидаги мактаб болалари ҳам шу ерда чўмилишади. Бизнинг тренеримиз Рудольф Ким самбо бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги билан фахрланамиз. У Осиё ўйинларида ғолиб бўлди. Клубимиз вакили Леонид Ли эса ана шу ўйинларда таэквондо бўйича кумуш совринни қўлга киритди. Комбинатнинг тўққиз спортчиси кураш, дзюдо ва самбо бўйича Ўзбекистон чемпиони ва совриндори булишди. Завод вакилларидан 400 нафардан зиёд киши спортнинг турли хил турлари бўйича оммавий спорт разрядлари нормативларини бажардилар.

А.М.Анохин номидаги спорт мажмуида одам ҳамиша гавжум. Жўшқин машқлар ўтказиляпти, оммавий мусобақалар уюштирилмоқда. Яқинда бу ерда корхона меҳнат жамоаларининг комбинат собиқ бош директори А.М. Анохин хотирасига ва физкультурачилар кунига бағишланган спартакиадаси ўтказилди. Мусобақалар спортнинг олти тури бўйича ўтказилди. Футбол, волейбол, енгил атлетика, кураш, сузиш ва шахмат бўйича кексаю ёш куч синашдилар. Спартакиадада комбинатнинг 17 цех жамоасидан 900 нафардан зиёд киши қатнашди.

Кечқурун эса тантанали вазиятда мусиқа дастасининг дилрабо куйлари садолари остида комбинат бошқаруви ва касаба қўмитаси уюштирган анъанавий зиёфат асносида ғолибларга дипломлар, совринлар ва пул мукофотлари топширилди.

А.СИЛЕЕНКОВ, Бекобод-Тошкент.

Суратларда: мусобақа ва совринлар топшириш пайти. Э.Иброҳимов суратлари.





МУНАЖЖИМЛАР ТАББИРИ

22-28 апрель кунлари учун

ДАЛВ (20.01-18.02) ойи фарзандлари учун бу ҳафта ичи зийраклик талаб қилинади. Ўйламай ёки бепарволик билан қилинадиган ҳар қандай ишнинг оқибати ёмон бўлишини ўйлаш лозим. Бу кунларда сафарга чиқишларни қолдириб туриш, шартнома ва битим тузишларни ҳам кейинроққа суриш дурустроқ. Ҳафта давомида оилавий ишлар билан шуғулланиш, фарзандлар тарбиясига эътиборда бўлишни маслаҳат берамиз.

ҲУТ (19.02-20.03) ойи фарзандлари учун бу ҳафта омад келтиради. Бошланган барча ишлар яхши тугайди. Бошлиқлар ҳузурига кириш дуруст натижа беради. Бошлиқлар учун ҳам ходимларнинг кўнглини олиш уларнинг меҳрини қозониш жараёнлари осон кўчади. Орзиқиб кутилган учрашувлар содир бўлади. Лекин ҳафта давомида бировнинг устидан кулиш, ғийбатдан сақланиш қаттиқ талаб этилади.

ҲАМАЛ (21.03-22.04) ойи фарзандлари учун бу ҳафта жиддий ўйлаб қадам қўйишни талаб қилади. Айниқса, оилавий келишмовчиликдан мутлақо сақланиш керак. Акс ҳолда арзимасдай туюлган келишмовчилик катта нохушликни келтириб чиқаради. Бундан ташқари дўстлар, бошлиқ, устозлар билан бўладиган муносабатлар бу ҳафта ичи нозиклашади. Шунинг учун муносабатларни фақат ширин сўзлик, хушмуомалалик билан олиб борган маъқулдир. Сафарга ҳам чиқмаслик керак.

САВР (23.04-20.05) ойида тавваллуд топганлар учун бу ҳафта одатдагидай ўтиши мумкин. Сафарга чиқишлар, соғлиқни тиклаш билан шуғулланишлар мақсадга мувофиқ бўлур. Хусусан, савдо-сотиқ учун қилинажак сафарлар кўп фойда келтирур. Сафар давомида спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан сақланиш муваффақиятлар гаровидир.

ЖАВЗО (21.05-22.06) ойи фарзандлари учун бу ҳафта омадли ҳисобланади. Савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш кўзланган натижа беради. Бошлиқ ва амалдорлар ҳузурига киришдан кутилган натижага эришиш мумкин. Имкон борича ҳеч кимнинг дилини оғритмасликка ҳаракат этмоқ даркор. Бу ҳафтада тузилажак битим ва шартномалар ҳам кўп манфаатли бўлур.

САРАТОН (23.06-21.07) ойи фарзандлари учун бу ҳафта нахс аралаш келиши кутилур. Шунинг учун ложи борича катта ишлаш бошлашдан тўхтаб турмоқ маъқул. Сафарга чиқиш ва раҳбарият билан бўладиган муносабатларда ҳам эҳтиётлик зарур. Айниқса, молиявий ишларда қийинчиликлар пайдо бўлади. Дуогўй ота-она ва солиҳ кишиларнинг дуоларини олиш ва уларни хурсанд қилиш билан юз беражак баъзи нохушликларни олдини олиш мумкин.

АСАД (22.07-22.08) ойи фарзандлари учун ҳафтанинг авалги кунлари нохуш келиши кутилади. Шунинг учун улардан эҳтиёткор ва хушёр туриш талаб қилинади. Айниқса, атроф-теварак кишилари билан яхши муомалада бўлмоқдан кўп наф кўриш мумкин. Ҳафтанинг охирига бориб эса ишлар яна жойига тушади. Молиявий омадлари юришиб, катта маблағга эга бўлишлари ҳам мумкин. Ҳафта сўнггида муҳаббат соҳасида ҳам омад кулиб боқиши кутилади.

СУНБУЛА (23.08-22.09) ойида таваллуд топганлардан бу ҳафта ичи анча хушёрлик талаб қилинади. Эҳтиёт, ходим-раҳбар, устоз-шогирд, ота-бола, қайнона-келин бир-бирлари билан хушмуомалада ва ширинсўз бўлишлари лозим. Зеро, бу кунларда андак асабийлашиш туфайли арзимаган нарсалар устида катта кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Шу билан бирга сафарга чиқмаслик ва айрим муаммолар юзасидан масъул лавозим эгаларига мурожаат қилмаслик маъқул.

МЕЗОН (23.09-22.10) ойида туғилганлар учун бу ҳафта нотинч ўтиши кутилур. Шунинг учун ложи бўлса барча ишларни тўхтатиб турган маъқул. Вақтнинг кўпроқ қисмини ўзи ва оила аъзоларини маънавий камолотга етишлари учун сарфлаш айни муддао бўлади. Ҳафта давомида ота-оналарни зиёрат қилиш, уларнинг дуоларини олиш, вафот этган бўлсалар ҳақларига хайри-эҳсонлар қилиш ҳафта нотинчлигини анча юмшатишга сабаб бўлади.

АҚРАБ (23.10-21.11) ойида туғилганлар учун ҳафтанинг биринчи ярми омадли, қолган қисми эса нохуш келиши кутилур. Шуни эътиборга олиб, ҳафта учун режалаштирилган ишларни аввалроқ бажариб олган маъқул. Сафарга чиқиш ва бошлиқлар ҳузурига кириш мумкин. Аммо қолган кунларда нохушлик юз беришидан сақланиш ҳаракатида бўлиш лозимдир.

ҚАВС (22.11-21.12) ойида туғилганлар учун бу ҳафта деярли ортиқча ташвишсиз ўтиши кутилур. Шунинг учун ҳафта давомида кундалик ишлар билан банд бўлиш, сафарга чиқиш ҳамда хизмат юзасидан масъулларга мурожаат қилиш кутилган натижа беради. Ота-онани эслаш, зиёрат қилиш, кўнгилларини кўтариб, дуоларини олиш, қариндош-уруғлар билан борди-келдини давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

ЖАДДИ (22.12-19.01) ойида таваллуд топганлар учун бу ҳафта омадли келиши кутилур. Айниқса, ҳафтанинг олдинги ярми қулай бўлиши мумкин. Ҳусан, молиявий ва шахсий бахт борасида катта ютуққа эришилур. Бу ҳафтада катта-катта маросимлар ўтказиш мумкин. Ҳафта давомида маст қилувчи ичимликлардан сақланиш ва қўллан келганча етим-есирларга ёрдам қилиш билан шуғулланиш кўп манфаатли бўлажак. Валлоҳу Аълам.

Ижод бўстони

ҒАЗАЛЛАР

Истеъдодли адиб Ўктам Ҳакимали кўплаб насрий асарлари билан адабиёт майдонида ўз мухлисларига эга ёзувчи. Аммо унинг шеъриятда ҳам қалам тебратаётгани кўпчилик учун янгилик. Қуйида азиз газетхонлар эътиборига адиб ғазалларидан намуналар ҳавола этмоқдамиз.

I

Жон кўзидан сочилур ёш, хазон ўлди ул қаламқош,
Дил кўксидан отилур қон, хазон булкун ошиқ наққош.
Паймонани тўлдирди ғам, муҳтож эрур ошиқ дорга,
Дорки васлин дариғ тутса, чеккай мотам рангин қуёш.
Қонлар аро ўртанмиш ёш, ёшлар аро тўлғанмиш қон,
Шам ўрнида ёнсаким қон, яна дардкаш шашқатор ёш.
Ишқ кулбасин шами ҳазон, ҳазон кулба ишксиз ҳаргиз,
Қон ўрнида ёнсаким ёш, ҳок ўлғуси ул бағритош.
Ишқ бобида фасли мотам, аза очмиш жумла жаҳон,
Кўк киймакка марҳуми ишқ, етмас булкун сабру бардош.
Қон йиғлайди лаҳза-лаҳза ишқ ҳажрида бул аламгар,
Шул сабабким шаън аркига ёғиладур таънаи тош.
Қисмат эрди жудоликким, тобут узра камон Ўктам,
Меҳроб ҳажри ўртаган он, ибодатга эгилмиш бош.

II

Жаннат чеҳра моҳитобон, қайси гулнинг жонисан,
Илоҳ боғин ул безаги, қайси жоннинг танисан.
Сархуш ўлмиш икки жаҳон, ул безак ҳажридаким,
Лайли янглиғ қамар сиймо, қай ошиқ жононисан.
Мажнунлари бағрин доғлар, ҳайратдан ўлмишки лол,
Иффат дебон қурбон ўлган, қайси жонон шаънисан.
Борки ошиқ телба бугун,–ул мунаввар чеҳрадан,
Лола рангин олган ногоҳ, қайси курбон қонисан.
Хониши-ла, тун-кечалар, жон кулбасин ёндирган ул,
Ишқ уйини қафас этмиш, қайси булбул ошиёнисан.
Оҳанг бағрин доғ айлаган, жаннат дебон қон йиғлаган,
Илоҳ нурин соҳиби ул, қайси толе кошонисан.
Ул париваш васлин дебон, қайғу ила ўтди Ўктам,
Ҳур, жисми йўқ, анбари йўқ, қайси ғилмон сарбонисан.

III

Ғамҳонадур кулба бугун, ҳазон жонон чаман сенсиз,
Қаро кунлар бағрин тишлаб, тўлғанади саман сенсиз.
Чаман сенсиз, саман сенсиз, ўртангуси билсанг ёлғиз,
Тонглар отмас, кунлар ботмас, бунча йироқ Яман сенсиз.
Билсанг агар жонон сенсиз, ғурбат ўлди жаҳон ҳадсиз,
Ошиқ мисол дийда қонлиқ, хурлик топмай ватан сенсиз.
Ватан сенсиз, жаҳон сенсиз, қолган фақат танҳо юлдуз,
Бўлди охир ҳажринг жабри ошиғингга кафан сенсиз.
Бода янглиғ ичиб ғамни, нола қилар сармаст Ўктам,
Бода сенсиз, Ўктам сенсиз, ҳазон жонон чаман сенсиз.

IV

Ишқ гулшанин шами ўчди, жонондан кечгум энди,
Жоним эрур бегона жон, ул жондан кечгум энди.
Мотамсаро ўлди фалак, айрилиқ эрмиш вожиб,
Танга санчиб ёр ханжарин, хонмондан кечгум энди.
Ишрат дебон ёри-жоним ёрин қурбон айлади,
Ғам даштида созим гирён, гирёндан кечгум энди.
Кўз ёшларим ошиб тандан, телбани ғарқ айлади,
Ҳолим сўраб келмас ёрон, ёрондан кечгум энди.
Кўклар кийиб аза очгум, кўйида қон йиғлагум,
Ошиқ ғариб, қисмат сарсон, сарсондан кечгум энди.

Ўктам ҲАКИМАЛИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Сабр» ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Цемент;
Қурилиш гипси (уюмлаб ва қоплаб);
Турли тасвирдаги ганчкор нақшлар;
Ҳар хил навдаги бўёқлар;
Полиэтилен чилвир (чизимча)лар;
Б. Р. У.
Чойшаблар;
Махсус кийимлар;

ФИРМА:

ДСП, фанер ва бошқа қурилиш материалларини, қоғоз қопларни сотиб олади.

Буюртма бўйича хонадонларни миллий ва европача усулда созлаб беради, гул қоғозларни ёпиштиради.

Мурожаат учун телефон: (3712) 49-33-78.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР, ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошшаҳарюктранс» концернининг 2512-автожамланмасига Сиз турли хил халқ хўжалик юкларини, жумладан озуқа ва минерал ўғитларни, техника воситаларини, қурилиш материалларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўзланган манзилингизга ташиб бериш учун буюртмалар беришингиз мумкин.

Сизнинг хизматингизга

«ГАЗ»-52, «ГАЗ»-53, «ЗИЛ»-138, «МАЗ»-5549

автомашиналари тақдим этилади. Мазкур юк автомашиналарининг исталган хилидан фойдаланиш сизнинг хоҳишингиз.

Уларнинг бир иш куни учун тўланадиган ҳақ анча арзон. Шунингдек автомашиналар юк ташишга қулай.

Мурожаат учун телефонлар: 43-32-45, 43-32-83.

«КАСБ-КОР» ФИРМАСИ ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИР!

«Касб-кор» фирмаси уй бекаларининг мушкулини осон этиш мақсадида буюртма бўйича қуйидаги маиший хизматлардан фойдаланишни таклиф этади:

Ички кийим ва чойшабларни ювиш;
устки кийимларни кимёвий усулда тозалаш;
гилам ва юмшоқ мебелларни буюртмачининг уйига бориб тозалаш;
боғча ёшидаги болаларга ва бошланғич синф ўқувчиларига қараб туриш;
озиқ-овқат маҳсулотларини, самолёт ва поезд чипталарини, гулларни уйга элтиб бериш бўйича транспорт хизматини кўрсатиш;
хонадонларни йигиштириш, супуриб-сидириш;
қарияларга кўмаклашиш: уларни овқатлантириш, ювинтириб кийинтириб қўйиш;
ошхоналарга юмшоқ учбурчак жиҳозлар ўрнатиш;
хизмат нархлари унча қиммат эмас. Сифати ва сақланишлиги кафолатланади. Ускуналар, тозаловчи ва ювувчи воситалар хорижники бўлиб, хизматлар ўта қисқа муддатларда бажарилади.

Бизга ишонсангиз панд емайсиз!

Мурожаат учун телефон: (3712) 56-55-15

Одамийлик сабоқлари

ТИЛГА ЭҲТИЁТ БЎЛ...

Халқда «гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор» деган мақол яшайди. Бу нақлда жон борки, йиллар ўтса ҳам оҳорини тўкмай, ҳануз яшаб келаётибди. Кўпни кўрган пиру бадавлат қарияларимиз тилида бу сўз янада жозибали, оҳангдор бўлиб жаранглайди.

Қиз бола бошқа хонадонга келин бўлиб тушаркан яхши тилаклар айтилади. Кексалар ёки ота-онаси насиҳат тарзида «қизим, борган жойингдан гап олиб келма, бу хонадондан ҳам гап олиб борма, ҳар жойни сир-асрори жойида қолсин» дейишади.

Келинчак дарвозадан чиқишда дуо қилишади: «Борган жойингда тошдай тингин, ували-жували бўлиб қўша қаринглар, ўзларингдан кўпайинглар» деб. Аммо ёшгина келинчак бу сўзлар замирида катта ҳақиқат борлигини кўпам билавермайди. Шу тилакка етишиш учун қандай йўл тутиши лозимлигини билавермайди. Қачонки боши тошга текканда дуонинг замиридаги ҳақиқатни англайди. «Тилга эътибор...» деган сўзга «ўзга эътибор» сўзини қўшгим келаяпти шу ўринда. Мен ҳаммага бирдек баҳо бериш ниятидан мутлақо йироқман. Бироқ, ўзим гувоҳ бўлган воқеани бошқаларга ҳам айтиб бергим келаяпти. Кимгадир бу воқеа сабоқ вазифасини ўтар.

Гулнозни севган йигитига унаштиришди. У хурсандлигини яширишга қанчалик ҳаракат қилмасин дилидагиларни юз-кўзи ошкор қиларди. Ширин ташвишлар билан тўй куни ҳам яқинлашди. Бир куни катта опаси Ойша (улар тўрт қиз, кенжаси Гулсум, оналари бундан бир неча йил аввал қазо қилган) синглисини ёнига чақириб деди:

— Синглим, бировнинг хонадонига бораяпсан. Сен ҳали тушадиган оила аъзоларининг қарашларини, характерларини билмайсан. Аста-секинлик билан уларга мослаша боришинг керак. Чунки улар бундан кейин иссиғингга, совуғингга ярайдиган кишилар... Сен уни ўсадиган муҳит. Сен уларнинг ҳурматини қозонишга ҳаракат қилгин. Бунинг учун энг аввало тилингга эҳтиёт бўлгин. Ҳар нарсани ўйламай гапираверма. Мулоҳаза юритиб, гап қаергача боришини ўйлаб ўшанга қараб муомала қилгин. Агар сен бўлажак оила аъзоларинг ўртасида ҳурматингни сақлай олсанг раҳмат оласан, сақлай олмасанг лаънат оласан.

Иложи борича бировдан яхшилик топишга, у ҳақида яхши гаплар айтишга ҳаракат қилгин. Шунда узингга ҳам яхши фазилатлар пайдо бўла боради.

Униб-ўсган хонадонингдаги гап-сўзлар шу ерда қолсин. У ердан ҳам майда-чуйда гапларни олиб келаверма.

Яна бир гап, янгаларингдан, акаларингдан, отамдан «берган тузларингга рози бўлинглар, яхши-ёмон гапларим бўлса кечиринглар» дея розилик сўрагин. Бу сўзлар улар учун эмас узингни униб-ўсишинг учун зарур.

Сингилга бу гаплар ёқмади. Уйлади: «Тавба, опам нега бунақа насиҳатгўй бўлиб қолибди». Аммо дилидагини тилига чиқармади. «Хўп» деди-ю билганидан қолмади.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Янги оила эмасми, уйдагилари ота уйи тарафдаги кишилар билан қизиқишлари табиий. Бир куни гап орасида овсини сўради:

— Янгангиз сизга жуда меҳрибон эканми? Ҳамма кийимларингизни бир ўзи тикиб берди-лар-а.

Бунга жавобан Гулноз «Ҳа яхшилар, меҳрибонлар» деб қўйса бўларди. Аммо у кесатиб деди:

— Ҳа-а, жуда меҳрибонлар. Шунчалар меҳрибонки қилган ҳар бир ишимдан камчилик топади. Рўзғор узиники бўлсаям, иш қилса менга баҳс қилганлари қилган. Курамиз энди бир узининг ҳоли нима кечаркин?

— Йўғ-ей, ҳечам унақага ўхшамайдилар-ку! — Ажабланди овсини унинг сўзларига ишонқирамай.

— Уни сиз биласизми, ёки мен. Узим ҳам ундан роса безор бўлиб кетгандим. Бир-икки марта уришиб ҳам олдим. Нима эмиш идиш-товоқни ювиб қўймас эмишман. Нима эмиш кун чиққанча ухлар эмишман, уйга қарамас эмишман. Нима учун мен бундай ишларни қилишим керак? Рўзғор уники бўлса. Чидамаса турмушга чиқмасинди... Нима, мен унга чўриманми?

Овсини унинг гапларидан ўйланиб қолди. «Тилли-жағликкина экансан, узиям ичинг заҳарга тўлиб кетибди-ку». Кунлидан ўтганини тилига кучирмади.

Эри, акалари, поччаси, тоғаси қандай кишилар экани билан қизиқди.

— Акамнинг биттаси бирам огир-бирам огир. Унга гапириб ҳам битта гап ололмайсан киши. Қўлидан тузук иш ҳам келмайди. Кўрдингизку, ҳатто уйини ҳам тузукроқ созлаб ололмаган. Биттаси эса фақат узини ўйлагани ўйлаган. Отам, синглим бор демайди. Ҳатто тузукроқ қушана қилолмади-ку. Поччам ёлғончи, сузини устида турмайдиган одам. Менга «турмушга чиққанингда шифонер қушана қиламан» деганди. Қилмади-ку. Битта ориқ қўйни етаклаб келди. Биламан уни опам йўлдан урган. «Камимизни бутлаб олайлик» деган. Тоғамлар билан кўпам келишмаймиз. Янгамнинг тилидан заҳар томади. Шунинг учун ёқтирмайман.

Эри унинг сўзларини бўлмай, диққат билан эшитди.

Нолишга ўрганган тили ҳаммадан айб топди. Оила аъзолари ўртасида ҳурмати пасая борди. Улар кунглидан салбий сўзлар утишига йўл очиб берди. Қуда томондагилар ҳақида яхши гап эшитмаган уйдагилари кунглидан «узи яхши одаммикан» деган савол уйготди.

Узининг қанақа одам эканлигини ҳам кунба-кун ошкор қила борди.

Бир куни қайнонаси:

— Келинжон, нон тугай дебди, хамир қилиб юборинг, — дейди.

Бу гап унга малол келади. Баҳона топади:

— Ойижон, жуда чарчаб кетаяпман, бироз дам олай, — дея уйига кириб кетади. Қайнона индамайгина узи хамир қоришга киришади. Шу пайт қайинсингли-си олдига келиб:

— Янга, тугмам узилиб кетди, тикиб беринг, — деди.

Пардоз қилаётган Гулнозга бу гап қаттиқ таъсир қилади. «Нима бўлар менинг бошимга чиқиб олишмоқчими, чиқариб бўпман!». У тугмани қадамайди. Қайнонаси қадаб беради. Эри бир сўз демай барини зимдан кузатади.

Бир куни «шимимни дазмоли яхши чиқмабди, бошқатдан дазмолланг» дейди. Бунга жавобан Гулноз қовоғини солиб шимни дазмоллайди. Уйлайди: «Узи дазмолласа бўлмасмикан, уйда акаларимни узи дазмоллайди-ку». Эри хотинининг авзойи узгарганини, унга айтган топшириғи ёқмаганини сезади. Аммо индамайди. Уйлайди, «индамагин калга, узи келар ҳолга, дейилган-ку». Аммо Гулноз узига келмайди. Эри бир неча маротаба уни инсофга чақирмоқчи ҳам булади:

— Гулнозхон тутган йўлингиз нотўғри. Сиз уйдагиларга муносабатингизни ўзгартирмасангиз бўлмайди. Онамнинг гапини мен икки қилмайман. Сиз нега айтган ишини бажармайсиз? Синглим ҳали ёш. Бу ҳолда бундай салбий ҳаракатларингиз унга ҳам юқиб қолиши мумкин.

— Уф-ф, нима қилай ахир!? Уларни бошимга кўтарайми?

— Бошингизга кўтаринг деяётганим йўқ-ку... Гап қайтарманг, айтган ишларини бажаринг, хулос, олам гулистон... Агар айтсам бошингизга кўтарасиз ҳам! — Эри шу сузни қатъий оҳангда айтганда, уйдан чиқиб кетмоқчи булди. Аммо хотинининг овози уни тухтатиб қолди:

— Нима, нима дединг? Бошимга кўтараман! Ўзи туғрисини айтай. Онангизни насиҳати-ю, синглингизни харҳашаси жонимга тегиб кетди. Кетаман!!!

— Ихтиёрингиз!

Қуёви шундай деб уйдан чиқиб кетди. «Ҳап, сеними. Уйдан кет дедингми? Кетиб бўпман!».

Ораларида шу гап-сўздан сўнг Гулноз уйдагиларга меҳрибонроқ бўлиб қолди. Қайнона хурсанд. Эри хурсанд бу ҳолдан. Аммо унинг сокинлиги тагида гап бор экан. Бир куни у эрига:

— Салайдин ака, хўп денг, рузгоримизни бўлак қилайлик, — дея эркаланди уни эритиш учун. Аммо бу гап эрига чаён чақиб олгандек таъсир қилди.

— Уйлаб гапираяпсизми, Гулнозхон. Кенжа ўғил бўлсам. Онамни, синглимни ташлаб бошқа уй-жой қиламанми? Бунақа бўлмагур фикрни миянгиздан чиқариб ташланг!

Ҳуллас у ялинди, ёлворди эрини гапига киргиза олмади.

Вақт утаверди. Оила аъзолари ва Гулноз ўртасида майда-чуйда гап қочаверди. Бора-бора майда-чуйдалар катта жанжални етаклаб келди.

Жанжал қайнонасининг унга овқат кечга қолаётганини эслатишдан бошланди.

— Келин, (у илгаригидек исмига жон қушимчасини қўшиб гапиролмас эди) овқатингиз кечга қолаяпти.

— Намунча менга ўргатганингиз-ўргатган, узим биламан, айтмасангиз ҳам. Узи менга айтишганди сизни жуда насиҳатгўй деб... Опаларим, янгам «қуда тарафни суриштириш керак» деганди. Мен аҳмоқ «нима керак суриштириб» дебман уларга... — Гулнознинг тили тинмай гапирарди. Унинг гапларини овсини эшитиб кириб келди.

— Ҳой келин, тилим-жағим бор деб сайрайверасизми? Рузгорни эпласангиз эрга тегинг эди... Биринчи кунданоқ сизнинг қанақалигингизни билган эдим-а...

— Сизга нима, уй-жойингиз бўлак бўлса. Орамизга суқилманг.

— Нимага суқилмас экан-ман. Қайнонам менинг жондай холам бўлади-ю суқилмайманми?.. Жа, индамаган сари холамни оёқ ости қиласиз!

— Вой-дод, сиздан қутилиб бўладими ўзи йўқми? Қачонгача одамни тинч яшашга қўймайсиз?

— Вой, мен тинч яшашга қўймабманми? Узинг яхши бўлганингда ҳали билмаган, синашмаган кишиларга уйдагиларингни ёмонлармидинг? Ўзи асли узингни тайининг йўқ экан.

Шу куни эри хотинини ота уйига келтириб қўйди. Унинг отасига, опаларига, янгаларига бор гапларни айтиб берди. Гап охирида «у ўз ҳурматини тили орқали йўқотди» деди.

Бугун Гулноз қилиб қўйган иши учун қаттиқ пушаймон чекаяпти, бироқ фойдаси бўлмаяпти. У келинчаклик тахтига чиққанда тахтдан туриб ёмонлаган акалари, опалари унинг учун қайгуришаяпти. Унинг катталар гапини олмаслиги, узбошимчалиги, калта уйлиги уни шу куйга солиб қўйди.

Ойгул УБАЙДУЛЛО қизи.

Спорт

БЕШИНЧИ МАВСУМ

Эртага мамлакат футбол миллий чемпионатининг байроғи кўтарилади:

Бу йилги футбол мавсуми мухлисларини соғинтириб қўйди, десак муболага бўлмас. Боиси, ишқибозлар орзиқиб кутган кун бир ой кечиктирилди. Мақсад Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ қилиш эди. Зеро, бу даврда барча йирик уйингоҳлар жаҳон андозаларига мос равишда таъминланди. Футболчию мухлисларга қулай шароитлар яратилди.

Айтиш мумкинки, ишқибозлар зерикиб қолишмади. Хусусан, Ўзбекистон кубоги учун дастлабки баҳсларни мудатдан олдин бошланиши айни муддао бўлди. Муҳими футбол жамоалари яшил майдонларда кубок учрашуви баҳона мавсумга тайёргарлик машқларини тобига етказдилар.

Юртимизда миллий чемпионат бешинчи марта ўтказилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида футболимиз сон сифат жиҳатидан ўзига хос ўзгаришларни бошидан кечирди. Ҳозирги саъй-ҳаракатда Ўзбекистон футболи довруғини дунёга ёйишга қаратилган. Бу йўлда аниқ тадбирлар бор. Чунончи, бу йилдан бошлаб ҳар бир футбол жамоаси профессионал мақом олди, яъни клублар тузилди. Дастур ва Низомлар тасдиқланди, уйинчилар шартнома асосида майдонга тушиб, кўрсатган маҳоратларига яраша ҳақ оладилар.

Бу йилги шароитда олий лига жамоалари ҳисобида камида 30 миллион, биринчи лига аъзоларида камида 15 миллион сумлик жамғармага эга бўлиши кўзда тутилган. Бу сармояни айлантириш, бойитиш, расамади билан фойдаланиш ўзига хос тадбиркорлик ва ишбилармонликни тақозо этади. Муҳлислар олий лиганинг 16 жамоаси ўйинларини томоша қилишга муяссар бўладилар. 22 апрелдан бошлаб биринчи лиганинг 26 жамоаси ҳам стартга чиқади.

Бу йилдан бошлаб бош жамоага собиқ пахтакорчи Баҳодир Иброҳимов устозлик қиладиган бўлди. Олимпия терма жамоасига эса Аҳмад Убайдуллаев раҳбарлик қилмоқда.

Мавсумнинг дастлабки учрашувларида «Атласчи» — «Нефтчи», «Нурафшон»-«Машъал», «Динамо» (У) — МҲСК, «Пахтакор»-«Динамо» (С), «Косонсой»-«Наврўз», АСК — «Сурдиена», «Навбаҳор»-«Трактор» жамоалари майдонга тушадилар.

Мирзо АНВАР.

ЧЕМПИОНГА ХОС ЎЙИН

Янгийул туманида Наврўз байрамига бағишланган футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Финалда М.Мирзабобоев номли жамоа хўжалиги футбол командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган туманнинг ўтган йилги чемпиони «Тинчлик» жамоа хўжалиги футболчилари бош совринни қўлга киритишди.

Чемпион команда М.Мирзабобоев номли жамоа хўжалигида бўлган хотира - совринни мусобақасида ҳам ғолиб чиқди. Команда финалда Ҳ.Турсунқулов номли жамоа хўжалиги футбол командасидан 5:0 ҳисобида устун келди.

Ҳ.ҲАМИДОВ

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78

БЎЛИМЛАР

Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79, Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10. Бухорода — 3-50-10. Гулистонда — 2-24-98. Жиззахда —3-82-18. Навоийда —3-41-99. Наманганда — 6-22-10. Нукусда — 2-44-46. Самарқандда — 35-64-22. Термизда — 2-70-07. Тошкентда — 56-82-79. Фарғонада — 24-58-43. Урганчда — 6-03-40. Қаршида — 5-33-71.

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр- мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
- Сешанба ва жума кунлари чоп этилади.
- Сотувда эркин нархда.

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди Офсет усулида босилди. Формати А-2, ҳажми 2 босма табоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Тиражи — 27.999. Буюртма Г- 0209. Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди 21.00. Масъул навбатчи: Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА 1 2 3 4 5 6